

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

«Пахтани дастлабки ишлаш» кафедраси

«Толали материалларни қуритиш ва намлаш»

фанидан ўтиладиган лаборатория машғулоти учун

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ –2009

АННОТАЦИЯ

Ушбу услубий қўлланма “Толали материалларни қуритиш ва намлаш” фанидан лаборатория дарселарини ўтиш учун мўлжалланган бўлиб, унда нам ҳаво ҳолатларини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни I-d диаграммаси ёрдамида аниқлаш усуллари мисоллар билан келтирилган. Бундан ташқари пахта хом ашёси намлиги ҳақида, уни аниқлаш усуллари ва ускуналари тўғрисида маълумотлар берилган.

Услубий қўлланмада I-d диаграммаси, ундаги қуришнинг ҳақиқий ва назарий жараёнлари, уларни аниқлаш усуллари ҳақида маълумотлар берилган. Талабалар берилган вариантлари бўйича лаборатория ишларини бажаришда қўлланмада келтирилган мисоллардан фойдаланишлари мумкин.

Услубий қўлланмада қуритиш барабанлари конструкцияси, ишлаш тартиби келтирилган. Қуритиш барабанларининг носозликлари, уларни бартараф этиш усуллари келтирилган. Ушбу услубий қўлланма талабаларга лаборатория ишларини бажаришда қулайлик яратади.

Тузувчилар: **М.А.Ахматов**, “Пахтани дастлабки ишлаш”
кафедраси доценти, т.ф.н.
М.А. Гаппарова, “Пахтани дастлабки ишлаш”
кафедраси доценти, т.ф.н.
Р.И.Рузметов, “Пахтани дастлабки ишлаш”
кафедраси ассистенти.

Тақризчилар: **И.К. Собиров**- “Пахтасаноат” уюшмаси
“Сифат” бўлими етакчи мутахассиси, т.ф.н.
И.Д. Мадумаров- “Пахтани дастлабки ишлаш”
кафедраси доценти, т.ф.н.

ТТЕСИ илмий –услубий кенгашида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия
этилган ___ ноябр, 2009 йил _____ сонли баённома.
ТТЕСИ босмахонасида 25 нусхада кўпайтирилган.

Лаборатория ишини расмийлаштириш тартиби

Бажарилган лаборатория ишлари қуйидаги тартибда расмийлаштирилади:
-муқова варағида институт ва кафедра номи, лаборатория иши рақами, ишнинг мавзуси, талабанинг ва қабул қилувчи ўқитувчининг исми-шарифи кўрсатилади;

-бажарилган лаборатория иши бўйича реферат (ишнинг мақсади, бажарилиш бўйича топшириқлар, ишнинг қисқача баёни, ўтказилган тажрибадан олинган натижалар) ҳисобот шаклида бажарилади;

-лаборатория иши қўл ёзма шаклида тайёрланади;

-чизма-график ишлари чизмачилик талаблари асосида бажарилади;

-бажарилган лаборатория иши бўйича хулоса, таҳлил ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади.

Лаборатория ишини бажаришда техника хавфсизлиги

Талабалар фан бўйича лаборатория ишларини бажаришдан олдин техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилади. Лаборатория иши фан ўқитувчиси ёки кафедранинг ўқув устаси раҳбарлигида олиб борилади.

Лаборатория ишларини бажаришда қуйидаги техника хавфсизлигига риоя қилиш қатъиян талаб қилинади:

-махсус лаборатория ускуналарини “юргазил” ва “тўхтатиш” тугмачаларига қўл билан тегмаслик;

-“юргазил” ва “тўхтатиш” тугмачаларига рухсатсиз тегмаслик;

- махсус лаборатория ускуналарига суянмаслик, уларни электр тармоқларига қўл билан тегинмаслик;

-иссиқ ҳавони қиздирувчи колориферларга суянмаслик, қўл билан тегинмаслик;

-электр тармоқлари очиқ ҳолатда бўлса, ҳеч қайси ускунани ишга туширмаслик;

-махсус лаборатория ускуналари ишлаб турган вақтда, уни айланувчи механизмлари ёпилган тўсиқларни очмаслик;

-махсус лаборатория ускуналарини ишга туширишда паспортда кўрсатилган инструкцияга тўла амал қилиш.

Лаборатория ишларини бажариш қуйидаги ҳолларда ман этилади:

-махсус лаборатория ускуналарини созлигига ишонч ҳосил қилмасдан тажриба ўтказиш;

-махсус лаборатория ускуналарини ерга махсус сим орқали туташтирмасдан (заземление) тажриба ўтказиш;

- махсус лаборатория ускуналарини электр тармоғидан узмасдан созлаш ишларини олиб бориш;

- махсус лаборатория ускуналарини масофадан бошқариш тугмасига тегиш;

-махсус лаборатория ускуналарини ҳаракатга келтирувчи тасмаларни ва механизмларни очик ҳолда ишга тушириш;

Талабаларга техника хавфсизлиги бўйича инструктаж ўтказилгандан сўнг, ўқитувчи ўз журнаliga талабаларни инструктаж ўтказилганлиги ҳақида рўйхат бўйича имзо қўйилишини назорат қилиб, лаборатория ишларини бажарилишига рухсат этади.

Лаборатория ишларини бажарилиш тартиби

-талаба бажариши керак бўлган лаборатория иши бўйича тайёргарлик кўриши, шу ишга мос келувчи маъруза ва ўқув услубий қўлланмаларни ўқиб ўрганиши шарт. Бунинг учун талаба албатта ўрганилаётган жараённинг авзалликлари, ишнинг мақсади ва бажарилиш услуби билан танишиб чиққан бўлиши керак.

-талаба албатта ускунанинг ишлаши ҳар бир қисмининг вазифаси, ишлатиш тартиби, ускунани юргазитиш ва тўхтатиш, назорат-ўлчов асбобларини ишлатишни билиши керак;

-ускунани ишлатишдан олдин талабада тушунмовчилик саволи туғилса албатта ўқитувчидан сўраш ва унинг кўрсатмаси бўйича иш олиб бориш талаб қилинади;

-дарсга талаба ускуна схемасини чизган ҳолда ҳамда қисқача лаборатория иши мазмуни ва баён шакллариини ёзган ҳолда келиши керак;

-дарс куни талаба лаборатория ўтказиш хонасига келиши, ускуна ва унинг қисмлари билан танишиб чиқиши, савол туғилса ўқитувчидан сўраб олиши шарт;

-ҳар бир талаба ўқитувчи саволларидан ўтиши шарт, бу талабанинг назарий тайёр эканлигини кўрсатади;

-ускунани юргазитиш (рубилникни ёқиш, электродвигател ва вентиляторларни юргазитиш) фақат ўқитувчи ёки лаборант иштирокида амалга оширилади;

-ўлчанган қийматлар, ҳар бир талаба томонидан тайёрланган баёнларга ёзиб борилади, ҳар қанақанги тушунмовчилик саволи ўқитувчидан сўраб турилади;

-лаборатория ишини бажариш, техника хавфсизлиги билан тўлиқ таништирилгандан сўнг рухсат берилади;

-иш вақтида кўрсатмада ёзилмаган бирорта ортиқча ножўя ҳаракатга рухсат этилмайди;

-олинган натижалар бўйича талаба керакли ҳисоб-китобларни амалга оширади;

-лаборатория ишини бажариб бўлгандан кейин талаба олган натижаларни ҳисоб-китоб ишларини ва иш жойини тартибга келтириб, ўқитувчига

кўрсатади. Агарда ўқитувчи томонидан тўғри деб топилса, талаба лаборатория ишини бажарган деб ҳисобга олинади;

-бэлгиланган муддатгача талаба ўқитувчига бажарилган иш юзасидан ҳисобот топшириши шарт;

-ҳисоботда иш тартиби, ускуна схемаси ва ҳисоб–китоб натижалари кўрсатилган бўлиши керак. Ҳисобот албатта яхши ва сифатли ёзилган, ҳамма схема ва графиклар аниқ чизилган бўлиши керак.

Мундарижа

Кириш

Лабўратория ишларини ўтказишда техника хавфсизлиги

Лабўратория ишларини расмийлаштириш тартиби

Лабўратория ишлари мавзулари

1. Нам ҳаво кўрсаткичларини ҳисоблаш ва ўлчаш.....
2. Пахта хом ашёси ва унинг компонентлари бўйича намлигини аниқлаш.
3. Қуритиш ускуналарининг иссиқлик ҳисобини аналитик усулда ҳисоблаш.....
4. Қуритгичнинг иссиқлик ҳисобини графоаналитик усулда аниқлаш.....
5. Қуритиш барабанларида пахта хом ашёсини бир текиёда қуритиш технологиясини ўрганиш.....
6. СБО қуритиш барабнининг ишлаши ва тузилиши.....
7. СБТ қуритиш барабанини ишлаши ва тузилиши.....
8. Қуритиш барабанларири иссиқлик билан таъминлаш.....

К И Р И Ш

Бозор иқтисоди шароитида бошқа саноатлар қатори пахта тозалаш корхоналарида ишлаб-чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш учун, тола, чигит, момик ва бошқа маҳсулотларнинг бошланғич сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишга катта аҳамият берилмоқда. Бу ўз навбатида пахта тозалаш корхоналарида толали маҳсулотларни талаб қилинган нормагача қуриштириш, тозалаш ва жинлаш жараёнларини амалга оширишни талаб қилади.

Юқори намликдаги чигитли пахтани барабанларда қуриштириш учун бир-неча мартаба юқори ҳароратда ўтказиш натижасида толани ранги ва сифат кўрсаткичини пасайишига, катта энергия сарфига олиб келмоқда.

Юқоридаги камчиликлардан холи бўлган ускуналарни яратиш устида кўплаб олимларимиз илмий изланишлар олиб бормоқда ва шу билан бир қаторда бу муаммони ҳал қилишда ҳозирги кунда пахта тозалаш саноати учун тайёрланаётган, талабаларга мутахассислик фанларидан мукамал билим беришни, уларни амалий жиҳатдан юқори савияга эга бўлишни талаб қилади. 5540500 "Тўқимашилиқ саноати маҳсулотлари тэхнологияси" (Пахтани дастлабки ишлаш) таълим йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлашда "Толали материалларни қуриштириш ва намлаш" фанининг аҳамияти каттадир.

Бу фанни сифатли ўрганишнинг асосини лаборатория ишлари билан бир қаторда, назарий олган билимларини мустаҳкамлашда мустақил ишларни бажариш усуллари ҳам ташкил қилади. "Толали материалларни қуриштириш ва намлаш" фани пахта тозалаш корхоналарида нам пахта хом ашёсини сақлаш, қуриштиришга тайёрлаш ва уни қуриштиришнинг техник ва тэхнологиясини ўргатиб, қуриштириш учун қўлланаётган янги замонавий ускуналарни танлашни, электр энергия сарфи, керакли ҳаво миқдори ва иссиқлик ҳисобини аниқлашни ўз ичига олади. Бунинг учун талаба мустақил равишда: материал ва қуриштиришни иссиқлик тенграммасини тузиш, қуриштирилаётган пахта хом ашёси бўйича керакли иш унумини таъминлашда қуриштиришни асосий ўлчамларини аниқлаш, ёрдамчи ускуналарни танлаш ва ҳисоблаш ишларни амалга оширишда, қуриштиришни аналитик ва графоаналитик усуллари орқали бажарилиши келтирилган.

Ушбу услубий қўлланма талабаларга "Толали материалларни қуриштириш ва намлаш" фанидан лаборатория ишларини бажаришида ва фанни мукамал ўрганишига ёрдам беради.

1-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: *НАМ ҲАВО КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ЎЛЧАШ*

Ишнинг мақсади: Нам ҳаво кўрсаткичларини ўрганиш, ўлчов асбоблари билан танишиш ва ҳаво ҳолатларини аниқлаш услубларини ўзлаштириш.

ТОПШИРИҚ

1. Нам ҳаво кўрсаткичлари ҳақидаги умумий маълумотлар билан танишиш.
2. Нам ҳавонинг нисбий намлигини, тезлигини, ўлчайдиган психрометр (оддий ва Ассман туридаги) ва анемометрлар (парракли ва косали)ни тузилиши ва ишлаш услубини ўрганиш.
3. Нам ҳавонинг асосий кўрсаткичларини ўлчаш услубларини ўзлаштириш.
4. Олинган натижаларни таҳлил қилиш ва ҳисобот тайёрлаш.

КЕРАКЛИ УСКУНА ВА ЖИҲОЗЛАР

1. Махсус ўлчов асбоблари билан жиҳозланган тажриба ускунаси.
2. Оддий ва Ассман туридаги психрометр.
3. Анемометр(косали ва парракли).
4. Секундомер.
5. Нам ҳаво I-d диаграммаси.

Нам ҳаво кўрсаткичлари ҳақидаги умумий маълумот

Толали материалларни қуриштириш жараёнига таъсир этадиган омилларга нам ҳаво кўрсаткичлари, пахтанинг намлиги, иссиқ ҳаво ҳарорати ва тезлиги, қуриштириш барабанининг конструкцияси киради. Лекин қуриштириш жараёнини ўрганишдан олдин энг аввало нам ҳаво кўрсаткичлари ҳақида, уларни аниқлаш ва ўлчаш усуллари тўғрисида маълумотга эга бўлишимиз зарур.

Нам ҳавонинг асосий ҳолатларини белгиловчи қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

- ҳарорати- $t, ^\circ\text{C}$
- барометрик босими - $B, \text{мм. сим. уст};$
- сув буғи ва қуруқ ҳавонинг порциал босими - $P_{\text{п}}$ ва $P_{\text{в}}, \text{Н/м}^2$
- нисбий намлиги - $\varphi, \%$
- намлик сақлами – $d, \text{г/кг қуруқ ҳаво}$
- ҳароратнинг шабнам нуқтаси - $T_{\text{ш}}, ^\circ\text{C}$
- солиштирма ва келтирилган ҳажми - $\rho, \rho_{\text{кв}}, \text{кг/см}^3$
- иссиқлик сақлами ва келтирилган иссиқлик сақлами - $i, I, \text{ж/кг}$

Ҳарорат-қуритиш техникасида ҳавони қизиш даражасини билдиради ва халқаро ҳарорат шкаласи бўйича Селсийда ўлчанади ($t^{\circ}\text{C}$). Атмосфера босимининг 760 мм.с.м. уст. да музнинг эриш t_n ва сувнинг қайнаш нуқталари t_k таянч нуқта сифатида олинади. Бу иккала нуқта орасидаги фарқ 100 га бўлинади, бу эса 1°C ни ташкил этади.

Бундан ташқари ҳароратни термодинамик шкалада учта кўрсаткич орқали аниқлаш мумкин: муз, сув ва сув буғининг мувозанатли ҳолатида $T=273,16^{\circ}$ кўрсаткичга эга бўлади. Термодинамиканинг барча формулаларида абсолют ҳароратни Келвин шкаласи бўйича аниқланади. Селсий шкаласини Келвин шкаласига айлантириш қуйидагича амалга оширилади:

$$T^{\circ}\text{K} = t^{\circ}\text{C} + 273,16^{\circ}$$

Материалларни ҳароратини ўлчаш учун симобли, спиртли ёки газли термометрлар ишлатилади, бундан ташқари қаршилик термометрлари ва термопаралар мавжуд.

Атмосфера билан мулоқотда бўладиган қуритиш камераларида буғли ҳаво муҳити барометрик босимга B тенг деб қабул қилинади ва ҳисоблашда ўзгармас 745 мм.с.м.уст. олинади.

Нам ҳавонинг **барометрик босими**, қуруқ ҳаво ва сув буғи парциал босимларининг йиғиндисига тенг.

$$B = p_n + p_B \quad \text{мм.с.м.уст} \quad (1.1)$$

Бу ерда: B - нам ҳавонинг умумий барометрик босими
 p_B ва p_n - шунга мос қуруқ ҳаво ва сув буғининг парциал босими

Ҳавонинг **абсолют намлиги** деб, бир метр куб нам ҳаводаги сув буғининг массасига айтилади ва у қуйидаги формула билан топилади:

$$\rho_n = \frac{M_n}{V} = \frac{p_n}{R_n t} \quad \text{кг/м}^3 \quad (1.2)$$

Бу ерда: p_n -ҳавонинг муайян муҳитдаги (маълум бир ҳарорат ва босимдаги) намлик сифими. Тўйинган ҳаво ҳолатидаги ҳавонинг абсолют намлигига **намлик сизими** дейилади.

Агарда ҳаво ҳарорати 100°C гача бўлиб, барометрик босим меъёра бўлганда намлик сифими қуйидагича аниқланади:

$$\rho_n = \frac{p_n}{R_n T} \quad \text{кг/м}^3 \quad (1.3)$$

Бу ерда: p_n -тўйинган сув буғининг парциал босими. Ҳаво ҳарорати 100°C гача бўлса унинг қиймати 1-иловадан олинади. Ҳаво ҳарорати 100°C дан катта бўлса барометрик босимга тенг бўлади яни $p_n=B$.

Ҳаво ҳарорати 100°C дан катта бўлса, қуйидагича аниқланади:

$$\rho_c = \frac{B}{R_n T} \quad \text{кг/м}^3 \quad (1.4)$$

Ҳавонинг абсолют намлигини уни намлик сифимига нисбати билан ёки ҳаводаги намликни порциал босимининг ҳавони шу ҳарорати ва босимида тўйинган буғ босимига нисбати билан ўлчанадиган катталиқ ҳавонинг **нисбий намлиги** деб аталади ва у фоизда ифодаланади:

$$0 \leq \varphi \leq 100 \quad \% \quad (1.5)$$

$$\varphi = \frac{p_n}{p_n} 100 \quad \%$$

ёки

$$\varphi = \frac{p_n}{p_n} 100 \% = \frac{p_n}{p_n} 100 \quad \% \quad (1.6)$$

Ҳавонинг **намлик сақлами** деб, ҳаводаги намлик миқдорини қуруқ ҳаво массасига нисбати билан ўлчанадиган катталиқка айтилади ва у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$d = \frac{M_n}{M_B} 1000 \quad (1.7)$$

Бу ерда: d - ҳавонинг намлик сақлами, г/кг қуруқ ҳаво.

M_n - сув буғининг вазни, кг.

M_B - қуруқ ҳаво вазни, кг.

Сув буғини порциал босими билан намлик сақлами орасида ўзаро қуйидагача боғланишга эга:

$$p_n = B \frac{d}{622 + d} \quad (1.8)$$

(1.6) формуладан $p_n = \varphi p_n$, у ҳолда (1.8) формулани қуйидагича ёзиш мумкин.

$$d = 622 \frac{\varphi p_n}{100B - \varphi p_n} \quad (1.9)$$

(1.9) Формуладан кўришиб турибдики, намлик сақлами доимий барометрик босимда, фақат сув буғини порциал босими катталигига боғлиқ экан.

Келтирилган ҳаво ҳажми деб, бир кг қуруқ ҳавога тўғри келадиган ҳажмга айтилади. $\vartheta_{кел} = \frac{V}{M_B}$ ва у қуйидаги характерли формуладан аниқланади:

$$\vartheta_{кел} = \frac{R_B T}{p_B} = \frac{283,1T}{B - p_n} \quad (1.10)$$

Тенглама (1.10) дан кўришиб турибдики, нам ҳавони келтирилган ҳажми ҳарорат ва босимга боғлиқ экан, яъни:

$$\vartheta_{кел} = f(T, p_n) \quad \text{ёки} \quad \vartheta_{кел} = f(T, \varphi)$$

шунда $\varphi = f(p_n)$, у ҳолда $\vartheta_{кел}$ қиймати $B = 99310 \text{ X/m}^2$ (745 мм сим. уст.) бўлган, t ва φ қийматлари учун 2-иловадан танлаб олинади.

Ҳавонинг солиштирма ҳажми деб, 1 кг нам ҳавонинг ҳажмига айтилади.

$$\vartheta = \frac{V}{L} \quad (1.11)$$

Бу ерда: V -нам ҳаво ҳажми.

$$L = M_B + M_{II} \quad \text{ва} \quad V = v_{\text{кел}} L_B \quad \text{десак, у ҳолда} \quad \frac{M_n}{M_B} = \frac{d}{1000} = 0,001d \quad M_B = L_B \quad \text{тенг}$$

бўлади ва (1.11) формулани қуйидагича ёзиш мумкин.

$$\rho = \frac{\rho_{\text{кел}}}{1 + 0,001d}$$

Дэмак ҳавонинг намлик сақлами d ва келтирилган ҳажми $\rho_{\text{кел}}$ ни билган ҳолда ρ ни қийматини аниқлаш мумкин.

Ҳавонинг зичлиги деб, нисбий намлик ва ҳарорати муайян бўлган ҳаво таркибидаги қуруқ ҳаво ва намликни 1 м^3 даги аралашмасининг массасига ёки бу солиштирма ҳажмнинг тескарисига айтилади, у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\rho = \frac{1}{\rho} = \frac{1 + 0,001d}{\rho_{\text{кел}}} \quad (1.12)$$

Нам ҳаво зичлиги, барометрик босим ва намлик сақламига тўғри, уни ҳароратига эса тескари боғлиқ бўлади. Қуритиш жараёнида, қизиган ҳаво иссиқликни материалга бериб совийди, намликни ўзига қабул қилади. Материалдаги намлик буғланиб, ҳавонинг намлик сақлами кўпаяди, унинг зичлиги ошади. Бу ўзаро боғлиқликни қуритиш жараёнида албатта ҳисобга олиш керак. Ҳавонинг нисбий намлиги ва ҳарорати маълум бўлганда, солиштирма ҳажм ва зичлик қиймати 2-иловадан олинади.

Нам ҳавонинг **иссиқлик сизими** деб, нам ҳаво вазн бирлиги ҳароратини 1° га кўтариш учун сарфланган иссиқлик миқдорига айтилади.

Ҳавонинг вазний иссиқлик сизими (c)ни 1 кг нам ҳавога нисбати қуйидагича аниқланади:

$$c = \frac{c_s + 0,001dc_n}{1 + 0,001d} \quad (\text{Ж/кг} \cdot \text{град})$$

келтирилган иссиқлик сизими ($c_{\text{кел}}$)ни 1 кг қуруқ ҳавога нисбати эса қуйидагича аниқланади:

$$c_{\text{кел}} = c_s + 0,001 \cdot d \cdot c_n$$

бу ерда: c_s -қуруқ ҳавонинг иссиқлик сизими, Ж/кг·град.

c_n -буғунинг иссиқлик сизими, Ж/кг·град

Нам ҳавонинг **иссиқлик сақлами** деб, сув буғи ва қуруқ ҳавонинг аралашмасидан иборат бўлган иссиқлик миқдорига айтилади.

Ҳавонинг вазний иссиқлик сақлами (i)ни 1 кг нам ҳавога нисбати қуйидагича аниқланади

$$i = \frac{c_s t + 0001 \quad i_{II}''}{1 + 0.001 \quad d} \quad (1.13)$$

ва келтирилган иссиқлик сақлами (I)ни 1 кг курук ҳавога нисбати қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$I = c_b t + 0,001 d i_{II}'' \quad (1.14)$$

бу ерда: t - нам ҳаво ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$

i_{II}'' - буғни иссиқлик сақлами, Ж/кг

d - намлик сақлами, г/кг . курук ҳаво.

c_b - курук ҳавони иссиқлик сифими, Ж/кг.град .

Қиздирилган сув буғининг иссиқлик сақламини аниқлаш учун қуйидаги боғлиқликдан фойдаланиш мумкин:

$$i_{II}'' = 595 + 0,47 t, \quad \text{ккал/кг.}$$

бу ерда: 595 - 0°C ва $B=760$ мм.с.м.уст. даги, сув буғининг иссиқлик сақлами.
0,47- сув буғининг иссиқлик сифими.

Намлиқни буғлатишга кетган иссиқлик сарфи нам ҳавони иссиқлик сақламини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. СИ системасида иссиқлик жоулда белгиланади:

$$1 \text{ ккал} = 4186,8 \text{ Ж} = 4,1868 \text{ кЖ.}$$

Шунда $i_{II}'' = 2491 + 1,97t$ кЖ/кг. га тенг бўлади.

Ҳавонинг шабнам ҳарорати деб, ҳаво совитилганда ҳаводаги буғни намликка тўйинган буғ ҳолатига ўтиш ҳароратига айтилади. Агар ҳавони совитиш давом эттирилса, унда $\phi=100\%$ чизиғи билан кесилган нуқтасида ҳаво сув буғлари билан тўла тўйинган бўлади. Бу нуқта билан ифодаланадиган ҳавонинг ҳолати шабнам нуқтасининг ҳолатини ифодалайди.

Ҳароратни шабнам нуқтаси ва нам ҳавони ҳар қайси ҳолати учун, нам ҳаво I-d диаграммаси ёрдамида осон аниқланади, ёки унинг қийматини нам ҳаво кўрсаткичлари (И), $\phi=100\%$ бўлгандаги тўйинган ҳарорати шунга мос берилган t ва ϕ , буғ босими P_{II} - P_{II} жадвалдан танланади.


Ҳўл термометр ҳарорати - бу тўйинган ҳавони адиабатик ҳарорати. Агар намликни парланиши иссиқ ҳаво ҳисобига бўлса, қачонки иссиқликни қабул қилиб, чиқариш бўлмаса, ундай жараён адиабатик парчаланиш дейилади. Агарда бундай шароитда ҳаво сув билан контактда бўлса, иссиқ буғни буғлатиш учун керак, уни ҳаводан қабул қилади, ҳаводаги буғ босими доимо ошиб боради, қандайдир сув миқдорига у совийди, қисман иссиқлик сувни парчалатишга сарф бўлса, ҳаво эса маълум бир ҳароратни қабул қилишга, ҳўл термометр ҳарорати деб юритилади. Агар биз шу жараённи тўйинган ҳавога давом эттирсак унда нам термометр ҳарорати қабул қилиб олади.

Ҳўл термометр ҳароратини t_x билан белгиланади. Яна шуни назарда тутиш керакки, ҳўл термометр ҳарорати тушунчаси билан ҳароратини шабнам нуқтасини аралаштирмалик керак. Ҳўл термометр ҳарорати билан ҳароратни шабнам нуқтасини бир-биридан фарқини тушунтириб бериш учун қуйидаги мисолга мурожат этамиз.

Ҳаво кўрсаткичларини белгиловчи унинг ҳарорати $t=50\text{ }^{\circ}\text{C}$ ва нисбий намлиги $\varphi=70\%$ бўлсин. Шунга асосан ҳароратни шабнам нуқтаси ва ҳўл термометрни аниқлаш керак.

Берилган кўрсаткичларга асосан I-d диаграммадаги А нуқтани топамиз (Расм 1). Юқорида айтганимиздек шабнам нуқта бу ҳаво ҳароратини кераклилигича совитиш ва тўйинган бўлиши керак. Совитиш жараёни I-d диаграммада $d=\text{сонст}$ тенгламаси билан белгиланади. Шунинг учун шабнам нуқтани аниқлаш учун А нуқтадан $\varphi=100\%$ бўлган чизиқ билан давом эттираемиз ва кесишган нуқтани (Б) деб белгилаймиз. (Б) нуқта орқали ўтувчи, ҳароратни шабнам нуқтаси изотермикни ифодалайди. Яъни $t_{\text{ш}}=22\text{ }^{\circ}\text{C}$ чизиғи I-d диаграммада ҳавони доимий ҳароратда адиабатик совитишни ифодалайди. Уни яна $t_x=V=\text{сонст}$ ҳўл термометр ҳақиқий доимий чизиғи деб аталади.

Ҳароратнинг шабнам нуқтаси ва ҳўл термометрнинг ҳароратини аниқлаш



1-Расм

t_x аниқлаш учун А нуқтадан, $V=\text{сонст}$ чизиғига параллел бўлган, $\varphi=100\%$ чизиғи билан кесишгунча давом эттираемиз ва кесишган нуқтани С билан белгилаймиз, бу нуқта қиймати ҳўл термометр ҳароратини беради. Берилган мисол бўйича $t_x=30\text{ }^{\circ}\text{C}$ га тенг.

Қуриш потенциали- бу ҳаво намликнинг қабул қилиш имконияти бўлиб қуруқ ҳаво ҳарорати билан ҳўл термометр ҳароратининг орасидаги фарқ билан аниқланади.

$$\text{Яъни} \quad \varepsilon = t_k - t_x \quad (1.15)$$

бу ерда: t_k -қуруқ термометрдаги ҳаво ҳарорати .
 t_x -ҳўл термометр ҳарорати.

Қуритиш техникасида пахтадаги ва ҳаводаги намлик босимлар фарқи ($P_{\text{пах}} - P_{\text{хав}}$) ёки ҳароратлар фарқи ($t_x - t_n$) қуриш потенциали деб аталади. Қуриш потенциали қуритиш жараёнини қандай тезликда ўтаётганини ўлчови ҳисобланади. Бу потенциаллар қиймати ошган сайин қуриш тезлиги ҳам ошади. Қуриш потенциалини I-d диаграммаси ёрдамида қуйидагича топилади (расм 2).

1. Ҳавони дастлабки ҳолатини белгиловчи А нуқтани топамиз, бунинг учун ҳавони ҳарорати ва нисбий намлиги қиймати берилган бўлиши керак яъни t ва φ дан фойдаланиб А нуқтани топамиз.

2. А нуқтадан тик чизиқ тушириб d_o ва p_o қиймати топилади.

3. Ҳавони адиабатик тўйиниш ҳолатини белгиловчи Б нуқтани топамиз.

Бунинг учун

а) Б нуқта $\varphi = 100\%$ чизигида ётиши керак.

б) Б нуқта А нуқтадан ўтган $V = \text{сонст}$ чизигида ётиши керак.


Демак $\varphi = 100\%$ $V = \text{сонст}$ чизиқларнинг кесишиш нуқтаси биз излаган Б нуқтани беради.

4. Б нуқтадан тик чизиқ тушириб d_c ёки Π_c қиймати топилади.

5. $P_{\text{пах}}$ ёки $P_{\text{хав}}$ қиймати топилади.

Қуриш потенциалини аниқлаш учун психрометрдан фойдаланилади.

Қуриш потенциалини I-d диаграммаси



Расм 2

Нам ҳавонинг нисбий намлигини аниқлаш


Нам ҳавонинг нисбий намлигини аниқлашда ҳар хил услуб ва ўлчов асбоблари фойдаланилади. Булардан кўпроқ тарқалгани оддий ва аспирацион

психрометри ҳисобланади. Симоб термометрларни орасидаги кўрсатаётган фарқига қараб нисбий намлик аниқланади.

Аспирацион ва оддий психрометр (расм 1.3) иккита бир-хил симоб термометр 1 ва 2 дан тузилган. 1-термометр ҳавонинг ҳароратини кўрсатади. 2-термометрни шарик 50-60 г/мг зичликда юзаси юпқа қалинликдаги пахта материалидан ўралган.

Ҳар доим психрометрда ўлчаш олдида 1 минут давомида дисцилланган сувга ҳўллаб қўйилади, оддий психрометрда эса охириги учи доимо косадаги сувга туширилган бўлиб сув буғланиб, термометр 2 совитилади, шунинг учун унинг кўрсаткичи куруқ 1-термометрникидан кичик бўлади.

Қанчалик куруқ ҳаво ва унинг нисбий намлик ундан кичик бўлса, сувнинг буғланиши тезлашади ва психрометр кўрсаткичлари, яъни нам ва куруқ термометрлар фарқи катта бўлади ($t_H - t_K$). Сувни тез парланиши, ҳавони тезлигига ҳам боғлиқ, шу сабабдан ҳавони нисбий намлигини оддий психрометрда ўлчаётган ҳисобга олиш керак.



3-Расм. Аспирацион (а) ва оддий (б) психрометрлар
1 ва 2 -термометрлар, 3 ва 4 -растубка, 5-трубка, 6-вентилятор, 7-
соатмеханизми,

8-барабан айланишини назорат қилиш учун туйнук.

Аспирацион психрометрда ҳаво вентилятор 6 ёрдамида сўрилади ва 3 ва 4 растубкадан ўтиб 5 трубка ёнида 1 ва 2 термометрларда ҳавони тезлиги камида 2 м/с бўлади. Вентилятор 6 ҳаракатни соатли механизм орқали ёки катта бўлмаган электромотордан олади. Вентилятор ҳавони доимий тезликда ҳайдаб

таъминлаб туради, уни туйнук 8 орқали маълум вақтда барабаннинг, айланиши паспортдаги кўрсатмаси бўйича текшириб борилади.

Ҳавони нисбий намлигини аниқлаш учун махсус психрометрик жадвал ёки психрометрик формуладан фойдаланилади.

Психрометрик формула қуйидаги кўринишда:

$$P_n = P_n - A(t_K - t_{хул})B \quad (1.16)$$

бу ерда: P_n -ҳавонинг сув бугидаги парциал босими, Н/м².

P_x -хўл термометрдаги тўйинган бугни парциал босими, Н/м².

A- психрометрик коэффициент

B- атмосфера босими, Н/м²

Психрометр олдидаги ҳавонинг тезлиги $v_x = 0,5$ м/с бўлганда, психрометрик коэффициент қуйидаги формуладан аниқланади:

$$A = 10^{-5} \left(65 - \frac{6,75}{v_x} \right)$$

бу ерда: v_x -ҳавонинг ҳаракат тезлиги, м/с

Ҳавонинг тезлиги $v_x < 0,5$ м/с бўлганда коэффициент A қиймати 1.1 жадвалдан топилади.

1 жадвал

$V_x, \text{ м/с}$	0,11	0,14	0,16	0,21	0,33
A	$0,836 \cdot 10^{-3}$	$0,730 \cdot 10^{-3}$	$0,738 \cdot 10^{-3}$	$0,722 \cdot 10^{-3}$	$0,710 \cdot 10^{-3}$

Психрометр ёрдами билан t_K ва t_x аниқланади, нам ҳаво жадвали орқали P_n -қиймати топилади. Эмпирик формула (1.17) ёрдамида A қиймати аниқланади ва (1.16) психрометрик формула ёрдамида эса, парциал босим қиймати, сўнг t_K ва $\varphi = 100\%$ тўйинган бугни парциал босими P_n -аниқланади. У ҳолда нисбий намлик қуйидагича бўлади:

$$\varphi = \frac{P_n}{P_n} * 100 \quad \%$$

Тажрибадан кўришиб турибдики психрометрнинг кўрсаткичи, намликни ўлчашда маълум хатолик: асбоб деворлар орасида иссиқлик алмашуви ташқи ҳаво, қуруқ ва хўл термометрда, ҳамда термометрнинг намланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Психрометрни ишлатишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

-ўлчаш жараёнидаги хатоликни яъни психрометрдаги термометрлар кўрсаткичи фарқини камайтириш учун шундай жуфт термометрларни танлаб олиш керакки, психрометрдаги термометрларнинг кўрсаткичи хўлланмаган жараёнида уларнинг кўрсаткичи ҳар қандай диапазондаги бир хил бўлиши керак;

-термометрни хўллаш учун дистрилланган сув бўлиши керак;

-намлашдаги мато тоза докадан тайёрланган бўлиб, уни вақти-вақти билан алмаштириш керак;


-идишдаги сувни сатҳи, ҳўл термометрга нисбатан 30-40 мм пастда бўлиши керак. Ўраш учун тайёрланган дока фақат термометрнинг шаригини эмас унинг 30 мм юқори қисмини ҳам ўраш керак;

-психрометрни ишга туширишдан олдин унинг сезувчи элементларини шундай жойлаштириш керакки, у ўлчанаётган ҳаво оқимида бўлсин;


-асбобни механик уринишлардан сақлаш учун тадбир чораларни кўриш лозим. Ҳавонинг нисбий намлиги қуйидагича аниқланади. Ҳавонинг нисбий намлигини ўлчашдан олдин матони дистрилланган сувга ҳўллаб, махсус пипетка тури билан жойлаштирилади.

Вентилятор ишга туширилгандан кейин 4-5 минутда термометрларнинг кўрсаткичи ёзиб борилади ва жадвал ёрдамида ҳавони нисбий намлиги аниқланади.

Ҳавонинг ҳаракат тезлигини аниқлаш учун анемометрлардан фойдаланилади. Анемометрлар парракли ва косали бўлиб, улар бир-биридан ҳаво тезлигини 0,5 дан 5,0 м/с парракли ва 1 дан 30 м/с гача тезликдаги ҳавони косали анемометрларда аниқланиши билан фарқ қилади (расм 4).



а) парракли



б) косачали

4-Расм а-парракли анемометр; б-косачали анемометр.
1-косача, 2-хисоб кўрсаткичи

Анемометрни (парракли ёки косачали) ҳаво оқимиға жойлаштиришда маҳкамланган пўлат ўққа иккита подшипникка жойлаштирилган парраклари ҳаво тезлиги таъсирида маълум тезликка боғлиқ ҳолда айланади. Шу билан биргаликда айланувчи ўққа бириктирилган, ҳисоб кўрсаткичи ҳам айланади. Ҳавонинг тезлигини анемометрда ўлчаш қуйидагича амалга оширилади:

анемометр ҳаво оқимиға (парракли-горизонтал ҳолатда, косачали вертикал ҳолатда жойлаштирилади). Анемометрнинг ҳисоби уч хил; мингли, юзли, ўнли бўлиб уларнинг кўрсаткичлари ёзиб борилади.

Бир вақтнинг ўзида анемометрнинг ҳисоби ва секундомер ишга туширилади.

Ҳаво оқимида анемометр 60 сек давомида ишга туширилиб сўнг ҳисоб кўрсаткичи тўхтатилади ва анемометр ҳаво оқимидан олинади.

Анемометр ҳисоби уч хил кўрсаткич бўйича ёзиб олинади.

Ишга туширишгача ва ундан кейин бўлган ҳисоб кўрсаткичларининг фарқи аниқланади.

Ҳисобланган фарқини анемометрнинг 60 сек вақт давомида ишга туширилганлигига бўласиз. Олинган натижа асосида махсус график шаклидаги чизмадан фойдаланиб, ҳавонинг тезлигини топамиз, м/с.

Тажриба ускунасининг тузилиши

Тажриба ускунаси қуйидаги асосий қисмлардан ташкил топган: Ц4-70 русумли марказдан қочма ҳаво узаткич мосламаси-1, электр иситкич 3, тўғи

бурчакли 350x350 мм айланма қувурдан иборат бўлган ишчи бўлинмаси-9, тўсиқлар-2,5,6,11,12,13 ва 17 (расм 5).

Қуришиш бўлинмасига ҳаво узатгич мосламаси-1 ёрдамида ҳаво юборилади, у айланма ҳаракатни 4,5 кВт электр қиздиргич орқали олади.


Электр иситгич-3 уч бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бири ўн битта ўрамли 6 мм нихромли симдан тайёрланган. Уларнинг ҳар бири ҳавонинг ҳароратини 120 °С га кўтаради. Иккита бўлими -ҳароратни босқичма-босқич сошлаш учун хизмат қилади, қолган битта бўлими эса ҳаво ҳароратини доимий равишда мослаб туриш учун ПСР-1-94 русумли потенциометрга уланган бўлади. Ҳаво ҳароратини 360°С гача қизитиш ва унинг ҳароратини $\pm 2^{\circ}\text{C}$ аниқликдаги ораликда сошлаб туриш имкониятига эга.

Тажриба ўтказиш усули

Ҳавонинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш учун уни табиий ва мажбурий алмаштириш йўли билан ҳавонинг нисбий намлигини ўлчайдиган психрометрлардан фойдаланилади. Бунда иккита термометр бўлиб, уларнинг бири қуруқ t_k ва t_x термометрлардан иборат бўлиб булар ёрдамида, ишчи бўлимига юборилаётган ҳаво кўрсаткичларини иситгичдан кейин аниқланади.

Тажриба қуйидаги тартибда бажарилади:

6,11,12,13 - тўсиқлар очилади, 5,17 - тўсиқлар бекитилади. Ҳаво ўтказгич мосламаси -1 ишга туширилиб, ҳаво очик эшик 21 орқали қизитиш учун 3 - иситгичга юборилади. Қизиган ҳаво труба орқали 9 - ишчи бўлимига юборилади, у ерда психрометр жойлаштирилган бўлиб уни қуруқ ва нам термометрларнинг ҳарорат кўрсаткичлари ўлчанади. Ишчи бўлимида ҳаво тезлиги косали анемометр ёрдамида аниқланади. Олинган барча натижа ва ҳисоботлар кузатиш баёнига ёзиб борилади.



5-Расм.. Таъриба ускунасининг тузилиши

Марказдан қочма ҳаво узатгич мосламаси-1, тўсиқлар-2,5,6,11,12,13 ва 17, электр иситгич-3, тоғри бурчакли 350x350 мм айланма қувур-4,14,15,16,18, қисқичлар-7, термометр-8, ишчи бўлинмаси-9, аналитик тарози-10, ВЛКТ-500 маркали электрон тарози-19, тўрли сават-20, ҳаво кириш жойи-21.

КУЗАТИШ БАЁНИ

2- жадвал

Ўлчаш учун керак Бўлган ҳаво кўрсаткичлари	Ўлчов бирли- ги	Иситгичгача		Иситгич дан ке- йинги
		Табиий ҳолатдаги ҳа- вонинг нис- бий намлигини аниқлаш психрометри	Ҳавони мажбурий айлангириш йўли билан нис. намликни аниқлайдиган психрометр	
1	2	3	4	5
1. Қуруктермометрдаги ҳарорат - T_k	$^{\circ}\text{C}$			
1. Ҳўл термометрдаги ҳарорат - T_x	$^{\circ}\text{C}$			
2. Ҳавонинг тезлиги- v_x	м/с			
3. Қуриштиш потенциали- ϵ	$^{\circ}\text{C}$			

4. Бошланғич намлик - W_n	%			
5. Нисбий намлик - ϕ	%			
6. Солиштирма ҳажм - υ	$M^3/кг$			
1	2	3	4	5
7. Келтирилган ҳажм - $\upsilon_{кел}$	$M^3/кг$			
8. Зичлик- ρ	$кг/M^3$			
9. Солиштирма сақлами - и	иссилик $кг/M^3$			
10. Келтирилган сақлами - Ж	иссилик $кЖ/кг$			
11. Порциал босим - P	H/M^2			
12. Тгйинган буй босими- P_n	H/M^2			

ТАЖРИБАДА ОЛИНГАН НАТИЖАЛАРНИ ТАХЛИЛИ ВА ҲИСОБЛАШ УСЛУБИ

Иситгичдан олдин ва кейин олинадиган ҳаво кўрсаткичлари қуйидаги тажрибада бажарилади.

1. Табiiй ва мажбурий ҳавони алмаштириш йўли билан ҳавонинг нисбий намлигини аниқлайдиган психрометрнинг қуруқ ва ҳўл термометрдаги ҳарорат кўрсаткичлари ўзаро таққосланади.

2. Қуруқ ва ҳўл термометрларнинг кўрсаткич ҳароратига асосан ҳавонинг нисбий намлиги аниқланади.

3. Нам ҳаво жадвали бўйича (“Сушка-хлопка-сырца” 2 илова) P_n - қиймати $\phi=100\%$ да ётади. (1.17) эмпирик формулада A ни қийматини аниқлаймиз, (1.16) психрометрик формула орқали эса, P_n - порциал босим қийматини топамиз. Сўнг (1.2) формула орқали ҳавонинг бошланғич намлигини ρ_n - аниқлаймиз. (1.6) ёрдамида P_n - қиймати топилади

4. Иситгичгача бўлган қуйидаги нам ҳавонинг асосий кўрсаткичлари юқорида келтирилган формула ёрдамида аниқланади:

Намлик сақлами - d

Келтирилган ҳажми - $\upsilon_{кел}$

Солиштирма ҳажми - υ

Нам ҳаво зичлиги - ρ

Қуритиш потенциали- ϵ

Иссиқлик сақлами - i

5. Қуруқ ва ҳўл термометрдаги ҳарорат маълум бўлгач, нам ҳавонинг ва қизиган ҳавонинг барча кўрсаткичлари I-d диаграммада аниқланади.

6. Иситгичдан кейинга қуруқ ва ҳўл термометрдаги ҳарорат маълум бўлгач, ҳавонинг қолган барча кўрсаткичларини I-d диаграмма ёрдамида аниқланади. Барча ҳисоб ишлари бажарилгандан сўнг талаба, ҳавонинг

қизитилгандан кейинги кўрсаткичларини ўзгаришини тахлил қилиб, тушинтириши керак.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ.

1. Нам ҳаво ҳолатини қайси асосий кўрсаткичлари белгилайди?
2. Тўйинган буғ ва сув буғининг порциал босими дэб нимага айтилади?
3. Абсолют намлик дэб намига айтилади?
4. Нисбий намлик дэб нимага айтилади, ҳаво қиздирилганда ва қуритиш жараёнида у қандай ўзгаради?
5. Нам ҳавонинг намлик сақлами дэб нимага айтилади, ҳаво қиздирилганда у қандай ўзгаради?
6. Ҳавонинг келтирилган ва солиштирма ҳажми дэб нимага айтилади?
7. Ҳароратнинг шабнам нуқтаси ва ҳўл термометрнинг ҳарорати орасида қандай фарқ бор?
8. Қуритиш потенциали қандай аниқланади?
9. Ҳавонинг иссиқлик сақлами дэб нимага айтилади ва қандай аниқланади?
10. Ҳаво ҳарорати ва тезлиги қандай асбоблар билан ўлчанади?
11. Табиий ва мажбурий ҳавонинг айлантриш йўли билан ишлайдиган психрометрларнинг тузилиши бўйича ўзаро қандай устунликлари бор?
12. Табиий ҳаво айлантриш йўли билан ишлайдиган психрометр билан, ҳўл термометр кўрсаткичларидаги хатоликни қандай тушунтирилади, у қандай аниқланади?

2-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: *ПАХТА ХОМ АШЁСИ ВА УНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИ БЎЙИЧА НАМЛИГИНИ АНИҚЛАШ*

Ишнинг мақсади: Пахта хом ашёси ва унинг компонентлари бўйича намлигини аниқлаш усуллари ва ўлчов воситалари УСХ-1, ВХС-М1 русумли термонам ўлчагичларни ва УЗ-7М, УЗ-8 русумли қуритиш жавонларини тузилиши ишлаш услубларини ўрганиш.

ТОПШИРИҚ:

1. Пахта хом ашёси ва унинг компонентлари таркибидаги асосий намлик миқдори билан танишиш.
2. Пахта хом ашёси ва унинг компонентлари намлигини аниқлаш усуллари ва ўлчов воситалари билан танишиш.
3. УСХ-1 ва ВХС-М1 русумли термонам ўлчагичлар ёрдамида пахта хом ашёси, тола, чигит, момик ва толали чиқиндиларнинг намлигини аниқлаш усуллари, ўлчагичларнинг тузилиши, ишлаш услуби, схемаси.
4. Пахта хом ашёси ва унинг компонентлари намлигини тезкор усулда УСХ-1 ва ВХС-М1 русумли термонам ўлчагичларда аниқлаш. ЎзДСТ 643-95, ЎзДСТ 644-95, ЎзДСТ 642-95, ЎзДСТ 645-95 ва ЎзДСТ 596-93, ЎзДСТ 603-93 танишиш.
5. Пахта хом ашёси ва унинг компонентлари намлигини Ўз-7М ёки ШСХ-1 қуритиш жавонларида аниқлаш услуби.
6. ГОСТ 24104-80 бўйича аниқлиги 3 ёки 4 чи синфга мансуб бўлган аналитик ВА-200 ва ВЛКТ-500 русумлик лаборатория тарозилари билан танишиш, уларни ишлатиш қоидаларини ўрганиш
7. Пахта хом ашёси, тола, чигит ва момикнинг намлигини Ўз-7М, ШСХ-1 қуритиш жавонида ва УХС-1 ва ВХС-1М русумли термонам ўлчагичлар ёрдамида аниқлаш учун синовлар ўтказиб, натижаларни таҳлил қилиш.

КЕРАКЛИ МАТЕРИАЛ ВА АСБОБЛАР:

Нам пахта хом ашёси 10-15 кг.

Намуна олиш учун бюкслар.

ЎзДСТ 643-95, ЎзДСТ 644-95, ЎзДСТ 642-95, ЎзДСТ 645-95 ва ЎзДСТ 596-93, ЎзДСТ 603-93.

Эксикатор, синов намунаси учун банкалар.

Намунани тайёрлаш учун стол.

Аналитик ВА-200 ва ВЛКТ-500 русумли тарози.

УСХ-1 ва ВХС-1М термонам ўлчагич.

Ўз-7М ёки ШСХ-1 қуритиш жавонлари.

Ишнинг қисқача баёни

Пахта хом ашёси таркибида намликни бўлиши бир нечта омиллар билан характерланади. Масалан: йғим-терим даврида об-ҳавонинг паст келишлигига, дала майдони машина теримига тайёрланиш даражасига, пахта хом ашёсини пишганлиги, ҳамда нави ва ифлослигига боғлиқ бўлиб, намликнинг ўзгариш чегараси кенгдир.

Юқори технологик кўрсаткичга эга бўлиш сифатли маҳсулотлар олишда пахта хом ашёсининг намлиги асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Республикамизнинг пахта экиш хўжаликларида пахта хом ашёсини тайёрлашда ўртача намликлар баъзи холларда рухсат этилган базис нормасидан (ЎзДСТ 615-94) юқори, асосан пахтани машина теримида амалга оширилганда намлиги ва ифлослиги стандарт нормасидан юқори бўлади.

Шу сабабли қисқа вақт ичида катта хажмдаги терилган пахтани дала шароитларида қуритмасдан, пахта тозалаш корхоналарига келтирилади. Бундай пахтани бир вақтнинг ўзида узлуксиз технологик жараёнга юборишнинг имкони йўқ. Шу сабабдан пунктларда узок вақтгача пахтани ғарам ва омборларда сақлашга тоғри келади. Намлиги рухсат этилган нормадан юқори бўлган чигитли пахтани узок вақт сақланса у ўз-ўзидан қизиб, натижада тола ўзининг табиий сифат кўрсаткичларини йўқотади.

Намлиги $W=8\%$ технологик намликдан юқори бўлган пахта хом ашёсини қайта ишлаганда технологик ускуналарни самарали ишлаши ва толани олиш жараёни пасаяди. Толанинг намлиги $W_T=5,5\%$ дан кам бўлмаслиги технологик жараёнда бир хил оғирликдадаги текис той олишда уларни ташиш ва вагонларга юклашда жуда катта аҳамиятга эгадир. Намлиги 8% дан ортиқ бўлган чигитдан ёғ чиқиш даражаси камаяди. Шу сабабли ёғ-мой корхоналарида чигитни қуритиш амалга оширилади. Нам чигитли-пахтани пахта тайёрлаш пунктларида сақлашни тоғри ташкил этиш, пахта тозалаш корхоналарида қайта ишлаб, сифатли тола ва бошқа маҳсулотлар олишига имкон беради.

Нам пахта хом ашёсини тайёрлашда ва уни қайта ишлашнинг амалда икки хил тушунчаси мавжуд, яъни ҳақиқий ва базис нормасидаги намликдир. Ҳақиқий намлик - маълум миқдордаги бошланғич пахта хом ашёсини таркибидан ажратиб чиқилган сувни маълум бир шароитда қолган қуруқ материалга нисбати билан ўлчаналадиган катталиқка айтилади. Базис нормасидаги намлик - бу шартли намлик бўлиб, давлат стандартлари ҳисобга олиниб, пахта хом ашёсининг техник шароит талаблари кўрсатилади. Қўлда ва машинада терилган пахта хом ашёсининг намлигини аниқлаш усули ЎзДСТ 644-95 да берилган.

Пахта хом ашёси намлигини тезкор усулда аниқлаш

Пахта хом ашёсини пахта тайёрлаш пунктларида қабул қилиш ва пахта тозалаш корхоналаридаги технологик лабораторияларида пахта хом ашёси намлигини тезкорлик усули билан аниқлаш учун УСХ-1, ВХС-М1 русумлик термонамўлчагич ва УЗ-7М, УЗ-8 русумли қуритиш жавонлари билан


жиҳозланган. УСХ-1 русумли термонамўлчагич (расм 1) қуйидаги асосий қисмлардан ташкил топган:

каркас 10, қиздириш мосламаси 4, асос 12, пружина 11 дан иборат. Термонамўлчагичнинг олди томонидаги юқори панелига “қуритиш” 6, “тайёр” 7 сигнал лампочкалари, юргизиш 5 ва тўхташи 8 тугмалари, тумблер 1, лампочка 2 ва сақлагич 3 лар жойлашган. Улардан пастроқда устки ва остки қиздириш мосламаларининг температурасини белгилаган даражада (195 ± 2 °С) сақлайдиган КВМ-503 русумли иккита потенциометр 9 жойлашган.

Қуритиш камераси алюминий қотишмасидан ясалган иккита плитадан иборат бўлиб, уларнинг ичига қиздириш учун электр спираллари ва терможуфтлар жойлашган. Юқоридаги ва пастки плиталар ўзаро шарнир орқали бирлаштирилган бўлиб, ёпилганда баландлиги 3,7-0,2 мм ни ташкил қилади, қуритиш камерасининг юзаси 450-454,5 см².

УСХ-1 русумли термонамўлчагични ишлаш тартиби:

“Тайёр” лампаси ёнгандан кейин прибор қопқоғини очиб, тайёрланган намунани (40 ёки 50г) пастки плита устига текис ёйиб, қопқоқ эса ёпиб қўйилади. “Юргизиш” тугмасини босганда “Қуритиш” лампаси 6 ёниши керак. 4 мин 15 сек ўтгандан кейин қуриш вақти тугаётганидан дарак берувчи товуш сигнали чалинади. “Қуритиш” лампаси 6 ўчади. Шундан сўнг камерани очиб пахта намунасини тўкилган ифлоселиклар билан бирга олинади ва бюксга солинади.



1-Расм. УСХ-1 русумли термонамўлчагич

Тумблер-1, лампочка-2, сақлагич, қиздириш мосламаси-4, юргизиш тугмаси-5, қуритиш сигнал лампаси-6, тайёр сигнал лампаси-7, тўхташи тугмаси-8, потенциометр-9, каркас-10, пружина-11, асос-12.

Тайёр бўлган намуна тарозида тортилиб, вазни аниқланади. Олинган натижа намунани қуритилгандан кэйинги оғирлиги бўлиб ҳисобланади, уни формулага қўйиб ёки жадвалдан фойдаланиб, намунанинг намлиги аниқланади.

УСХ-1 нинг эхтимоллий носозликлари, уларнинг сабаблари ва бартараф қилиш усуллари

1-жадвал

Носозликлар	Сабаблари	Бартараф қилиш усуллари
1	2	3
1. Камера қопқоғининг қулфи қийин беркитилади.	Қуритиш камерасида намуна-на нотекис жойлашган.	Қопқоқ очилсин ва намуна камерада бир хил қалин-ликда жойлансин.
2. Қурилма юргизилганда «Сеть» лампаси ёнмайди.	1. «Сеть» лампаси куйган 2. МП1 магнитли юргизгични сақлаш релеси усқунани ўчирган.	1. Электр қиздиргич элементлари алмаштирилсин. 2. Платада магнит юргизгич тугмаси босилсин.
3. Қурилма ўзгарувчан ток занжирига уланганда электр қиздиргич элементларни ишламайди.	1. Электр қиздиргич элементлари куйган. 2. Созлаш усқуналарига электр таъминоти бормайди. Сақлагич куйган.	1. Электр қиздиргич элементлари алмаштирилсин. 2. Электр узатиш тизими текширилсин. Сақлагич алмаштирилсин.
4. Блок реле ишламайди.	«Готов» лампаси куйган.	Лампа алмаштирилсин.
5. Камерада ҳарорат 195 °С га етганда «Готов» лампаси ёнмайди.	1. Потенциометрларда ҳарорат 195 °С дан юқори қўйилган. Қуритиш лампаси куйган.	Ўрнатилган ҳарорат текширилсин. Лампа алмаштирилсин
6. Намликни ўлчаганда хатолик рухсат этилган даражадан ошиб кетади.	1. КВШ-503 потенциометр ўрнатиш шкаласида ҳароратни кўрсатиш ҳолати ўзгариб қолган. 2. КВШ-503 потенциометр иши бузилган.	Ўрнатиш шкаласида пас-портда кўрсатилган ҳарорат ўрнатилган. УСХ-1 тер-мовлагомерни текшириш қўлланмаси бўйича текширилсин Потенциометр қоида бўйича таъмирлансин, кейин қурилма қўлланма бўйича текширилсин.
7. Камера қопқоғи етарлича катта очилмайди.	Пружина бўшаб қолган.	Қурилма орқа девори очилсин ва пружина тортиб қўйилсин.
8. Потенциометрнинг ўлчаш шкаласи четки ҳолатга туриб қолади ёки ўз-ўзидан ихтиёрий жойга бурилади	Потенциометр носоз.	Потенциометр таъмир-лансин.

ВХС-М1 русумли термонамўлчагич (расм2) қуйидаги қисмлардан ташкил топган: қуритиш камераси иккита плита (1)дан иборат бўлиб, уларнинг ичига қиздириш учун электр спираллар (3) ва терможуфтлар жойлашган, юқориги ва пастки плиталар ўзаро шарнир билан бирлаштирилган. Плитанинг юзасига айлана шаклида диск (2) маҳкамланган бўлиб, у пахта толасини плитага тушишдан сақлайди. Плитанинг ичига махсус тешик орқали иссиқлик-

қаршилиги (4) ўрнатилган бўлиб, у иссиқлик датчиги бўлиб хизмат қилади. Маҳкамланган шарнирнинг гарама-қарши томонида плиталар ўзаро қулф (5) орқали бекитиб, ричаг (6) орқали бошқарилади.

Плитада берк ҳолда олинган намуна учун маълум бир баландликка эга бўлган оралик қолади ($3,7 \pm 0,5$ мм). Мосламани бошқариш учун у ўзига қуйидаги қисмларни бириктирган:


1-Таймер

2-Температурани созлаш учун иккита патенциометр;

3- электр таъминлаш схемаси.

Таймернинг вазифаси қуриштиш вақтини (3,4,5 мин) ҳисоблаш учун хизмат қилади, қуриш жараёнининг тугаши 8-15 сек қолганида автоматик равишда сигнал чалинади.

“Тайёр” лампаси ёнгандан кейин, асбоб қопқоғи даста ёрдамида очилиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган пахта хом ашёси намунасини (40, 40,2 г) пастки плита устига бир текис ёйиб, қопқоқ ёпиб, сўнг “юрғизиш” тугмаси босилганда “қуриштиш” лампаси ёнади. Қуриш жараёнига 8-15 сек қолганда қуриш тугалланганлиги ҳақида сигнал бўлади. Шундан сўнг камерани очиб пахта намунаси, тўкилган ифлосликларни чўтка ёрдамида тозаланиб, бюксга солинади. Бюкснинг қопқоғини ёпиб, ВЛКТ-500М русумли тарози ёрдамида оғирлиги ўлчанади. Олинган натижа намунани қуритилгандан кэйинги вазни бўлиб ҳисобланади, уни формулага қўйиб ёки жадвалдан фойдаланиб, намунанинг намлиги аниқланади.



2-Расм.ВХС-М1 русумли термонамўлчгич схемаси

ВХС-М1 (ВХС) ускунасининг техник тавсифи

2-жадвал

<p>Қуритиш услуби</p> <p>Иситиш сиртларининг номинал ҳарорати, °С</p> <p>Ўрта иситиш сиртларидаги ҳароратни номинал қийматидан рухсат этилган ўзгариши</p> <p>Ишчи режимга (қизишга) чиқиш муддати, мин дан кўп эмас</p> <p>Қуритиш камераси иситиш сиртлари орасидаги тирқиш, мм</p> <p>Қуритиш вақтини ҳисоблашда хатолик, фоиздан кўп эмас</p> <p>Қуритишни тугаганлиги ҳақида огоҳлантириш сигнаolini бериш муддати, с</p> <p>Намуна билан қуритиш камерасини ёпиш кучи, Н дан кўп эмас</p> <p>Фойдаланишда ишлатиш шартлари:</p> <p>Атрофдаги ҳаво ҳарорати, °С</p> <p>Нисбий намлик, %</p> <p><u>Бир фазали ўзгарувчан ток занжиридаги кучланиш, В</u></p> <p><u>Талаб қилинадиган қувват, W дан кўп эмас</u></p> <p><u>Ўлчанадиган намлик чегараси, %</u></p> <p><u>Лаборатория намунасининг массаси, г:</u></p> <p><u>пахта</u></p> <p><u>пахта толаси ва момиғи</u></p> <p><u>чигит</u></p> <p>Намуналарни қуритиш муддатини сошлаш, мин:</p> <p>пахта</p> <p>пахта толаси ва момиғи</p> <p>чигит</p> <p>Қуритиш қурилмасини ўлчамлари, мм дан кўп эмас:</p> <p>қуритиш камераси</p> <p>бошқариш блоки</p> <p>Қуритиш қурилмасининг массаси, кг дан кўп эмас:</p> <p>қуритиш камераси</p> <p>бошқариш блоки</p>	<p>Контактли</p> <p>195 (195)</p> <p>±2 (±2)</p> <p>35 (40)</p> <p>3,6 дан 4,1 гача (3,6 дан 4,1 гача)</p> <p>±3 (±3)</p> <p>8-15 (10-16)</p> <p>200 (200±20)</p> <p>10 дан 35 гача (5 дан 40 гача)</p> <p>30 дан 70 гача (30 дан 70 гача)</p> <p>220⁺³³₋₄₄ (220⁺²²₋₃₃)</p> <p>1800 (1800)</p> <p>5 дан 75 гача (5 дан 75 гача)</p> <p>40 (40)</p> <p>20 (20)</p> <p>50 (50)</p> <p>5 (5)</p> <p>3(-)</p> <p>4(4)</p> <p>430×450×240</p> <p>(530×530×490)</p> <p>125×450×240</p> <p>(530×460×250)</p> <p>32(40)</p> <p>8(15)</p>
--	--

Изоҳ: Қавслар ичида ВХС ускунасининг техник тавсифи кўрсатилган.

ВХС-М1 (ВХС) ускуналарининг эҳтимолӣ носозликлари, уларнинг сабаблари ва баргараф қилиш усуллари

Носозликлар	Сабаблари	Баргараф қилиш усуллари
1	2	3
1. Қуритиш камерасини кул-фи ёмон ёпилади.	Пастки плитада намуна нотекис жойланган.	Пастки плита бўйлаб намунани текислансин.
2. Уланганда «Сеть» лампаси ёнмайди.	1. «Сеть» лампаси куйган. 2. Пр2 ёки Пр3 автомат сақлагичлар ўчиб қолган.	1. Лампа алмаштирилсин. 2. Сақлагичлар ёпилсин ёки алмаштирилсин.
3. Ёқилгандан 60 мин кейин «Не-	«Норма» лампаси носоз.	Лампа алмаштирилсин.

догрев» лампаси ўчди, «Норма»лампаси эса ёнмайди.	Лампада таъминловчи кучланиш йўқ.	Таъмирлаш занжири текширилсин.
4. 60 мин ўца ҳам «Недогрев»лампаси ёнишни давом этади.	Қиздириш элементи куйган.	Юқориги қиздириш плитаси очилсин. 30 мин дан сўнг қиздирмайдиган плата ушлаб кўрилсин, қиздирувчи сиртлар томонидан винтлар бураб олинсин, қопқоқ олиниб термозэлемент алмаштирилсин.
5. «Перегрев»лампаси ўчмайди.	Терморезистор ишдан чиққан.	1. Қуритиш камераси совитилсин. Ш 9 ажралиш бошқариш блокдан ўчирилсин ва 1 ва 2, 3, 4 контактларида қаршилиқ ўлчансин. Агар 1ва 2 контактларда қаршилиқ 10(10 Ом да лампа ўчса устки плата терморезистори ишдан чиққан бўлади, агар 3 ва 4 контактда ўчса пастки плата терморезис-тори ишдан чиққан бўлади. 2. Носоз терморезистор алмаштирилсин, бунинг учун қиздириш плиталарини қиздириш юзаси томонидаги винтлар чиқарилади. 3. Терморезисторлар ал-маштирилгандан кейин ку-ритиш қурилмаси йиғилсин ва қиздириш плитаси ҳаро-рати созлансин.
6. Намуна ортиқроқ куйганда «Норма»лампаси ўчади, «Перегрев»лампаси эса ёнмайди.	«Перегрев» лампаси носоз. Лампада таъминловчи кучланиш йўқ.	Лампа алмаштирилсин. Электр энергияси билан таъминлаш тизимининг занжири текширилсин.
7. Намуна ёниб кетади, қисқа уланиш бўлади.	Қурилма ишдан чиққан.	Қурилма таъмирлансин.

Тажриба ўтказиш усули

1. УСХ-1 ва ВХС-М1 русумли термонамўлчагичлар ёрдами билан пахта хом ашёси, чигит ва толадан намуналар олинади. Олинган намуналарни аниқлиги 0,01 г гача аниқликда ўлчанади. ВХС-М1 термонамўлчагич учун олинандиган намуналар оғрлиги қуйидаги 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

№	Намуна	Олинган намуна оғирлиги, г	Қуритиш вақти, мин.
1	Пахта хом ашёси	40,00±0,03	5
2	Пахта толаси ва момиқ	20,00±0,02	3
3	Чигит	50,00±0,02	4

Пахта хом ашёси, тола ва момиқнинг намлигини ҳисоблаш

Пахта хом ашёси, тола ва момикнинг намлигини УСХ-1 ва ВХС-М1 русумли термонамўлчагичлар билан аниқланганда намунанинг намлигини қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$W_{ch/p} = \frac{m_H - m_q}{m_q} 100 - 0,6 \%$$

ёки

$$W_{ch/p} = \left(\frac{m_H}{m_q} - 1 \right) 100 - 0,6 \%$$

бу ерда: m_H - намунани қуритмасдан олдинги оғирлиги, г ;

m_q - қуритилган намунанинг оғирлиги, г;

0,6- термонамўлчагичнинг кўрсаткичларини хатолик коэффициентини.

Толанинг намлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W_{tola} = \frac{m_n - m_q}{m_n} 100 - 0,4 \%$$

бу ерда: m_n - намунани қуритмасдан олдинги оғирлиги, г ;

m_q - қуритилган намунанинг оғирлиги, г;

0,4- термонамўлчагичнинг кўрсаткичларини хатолик коэффициентини.

Агарда УСХ-1 ёки ВХС-М1 термонамўлчагичларда таҳлил бир неча марта такрорланса, у ҳолда намуна намлигининг ўртача арифметик ҳисоби олинади.

Масалан: намуна учун олинган пахта хом ашёсининг намлиги УСХ-1 ёки ВХС-М1 термонамўлчагичларда аниқланди.

3-жадвал

Ўртача намуна	Намунани қуритмасдан олдинги оғирлиги, Г, M_H	Қуритилган намунанинг оғирлиги, Г, M_K	Пахта хом ашёсининг намлиги, %, W
И	40,01	37,17	7,04
ИИ	40,05	37,23	6,97
ИИИ	40,03	37,13	7,21

Пахта хом ашёсининг ҳақиқий намлигини қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

Намунанинг қуритмасдан олдинги оғирлиги $M_H=40,01$ г.

Қуритилган намунанинг оғирлиги $M_K=37,17$ г.

$$W = \frac{m_n - m_q}{m_q} 100 - 0,6 \% = \frac{40 - 37,17}{37,17} 100 - 0,6 = 7,04 \%$$

$$W_{or} = \frac{W_1 + W_2 + W_3}{3} + \frac{7,04 + 6,97 + 7,21}{3} = \frac{21,22}{3} = 7,1 \%$$

Агарда чигитдан олинган намунанинг намлигини ҳисобласак, у ҳолда Ўз Дст 603-93 га асосан қуйидаги формула билан аниқланади:

$$W = \frac{m_n - m_q}{m_n} 100 - 0,5\%$$

бу ерда: m_n - чигит намунасининг қуритишгача бўлган вазни, г;

m_q - чигит намунасининг қуритишдан кейинги вазни, г;

0,5 - термонамўлчагичда намлик аниқлашнинг натижаларига киритиладиган хатолик коэффициентини

Ҳисоб 0,01 % гача бажарилади ва 0,1% гача яхлитланади. Пахта хом ашёси, чигит ва тола намликларини аниқ ўлчашда, УСХ-1, ВХС-М1 русумли термонамўлчагичларни тарировка қилишда эталон вазифасини Уз-7М (расм3) ва Уз-8 русумли қуритиш жавонлари бажаради, ҳамда узлуксиз тэхнологик жараёнидаги пахта, тола, чигит ва толали чиқиндиларни намлигини аниқлашда фойдаланилади.

Қуритиш шкафи пахта ва ундан олинган маҳсулотларни намлигини ўлчашга, шунингдек вақти-вақти билан турли конструкциядаги термонамўлчагичларда ўтказиладиган синовлар натижасининг тўғрилигини назорат қилишга мўлжалланган. Ўлчаш услубиятлари Ўз Дст 644:2006, Ўз ДСт 634:1995, Ўз ДСт 659:1996, Ўз Дст 600:1993 давлат стандартлари талаблари бўйича амалга оширилади.

Уз–7М қуритиш шкафини техник тавсифи


4-Жадвал

Ишчи ҳароратнинг чегаралари, °С	
Бўш ишчи камерани зудлик билан қиздиришда қиздирилиш вақти, мин	105-110
Намуналар алмаштирилгандан кейин ишчи режимга чиқиш вақти, мин	50±5
Ўрнатилган режимда ҳароратни сақлаб туриш аниқлиги (назорат термометри бўйича) °С	10±2
Қўйиладиган намунали бюкслар миқдори, дона	±1,5
Бир бюксдаги намуна массаси, г:	1-24
пахта	
тола	10
момик	5
чигит	5
Кучланиш, В	10
Электрисиггичлар қуввати, W	220
Электрисиггичлар миқдори, дона	480
Сарфланадиган қувват, kW	1
Ўлчамлари, мм:	1
баландлиги	
кенглиги	620
узунлиги	470
Массаси, кг	530
	30

Уз-7М шкафининг эхтимолй носозликлари, уларнинг сабаблари ва
бартараф қилиш усуллари

5-жадвал

Носозликлар	Сабаблари	Бартараф қилиш усуллари
1	2	3
1. Занжирга уланганда назорат лампаси ёнмайди ва электродвигател айлан-майди.	Сақлагич куйган.	Сақлагич алмаштирилсин.
2. Электродвигател ишлай-ди, аммо назорат лампаси ёнмайди.	Лампалар куйган.	Лампалар алмаштирилсин.
3. Зудлик билан қиздириш ёқилганда шкаф жуда узок муддатда қизийди.	Қиздиргичлар ишдан чиққан.	Қиздиргичлар алмаштирил-син (иш устахонада бажа-рилади).
4. Шкафда ҳарорат керакли режимга чиқмайди.	Қиздиргичлар ишдан чиққан.	Қиздиргичлар алмаштирил-син (таъмирлаш лаборато-рия асбобларини таъмир-ловчи мутахассис томонI-дан бажарилади).
5. Шкафда ҳарорат назорат термометри билан созлан-майди.	Контакт термометри ишдан чиққан.	Контакт термометри алмаш-тирилсин.
6. Шкаф камерасида токчалар қийшайиб қолади ва тиқилади.	Юлдузча қийшайган.	Юлдузча ҳолати созлансин ва стопор винтлар билан қотирилсин.
7. Қуригиш шкафи автомат усулда юргизилганда ва тўхтатганда реле кераксиз товуш чиқаради.	Созлаш схемасида ярим ўтказгичли приборда носоз-лик пайдо бўлган.	




3-Расм. Уз-7М русумли қуритиш жавони

Уз-8 русумли комплекс қуритиш жавони қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:


Қуритиш жавони ШСХ-1 (расм?), стабилизатор С-0,9 ТПК-4П-103 русумли, контакли термометр, чигитни майдалаш учун ишлатиладиган УДС русумли тарам-тарам валикли қурилма.

ШСХ-1 русумли қуритиш жавони қуйидаги асосий қисмлардан иборат (расм-4) қуритиш бўлими-1, қиздириш бўлими-2, вентелятор-3, бошқариш пулти-4. Қуритиш камерасининг ички қисмида айлантйрувчи платформа-5 жойлашган бўлиб, унга бюкслар-6 қуритиш намуналари жойлаштирилган. Бюкслар қуритиш камерасини ичига эшик-7 орқали жойлаштирилади. Даста-8 ва пружина фиксатор-9 ёрдамида ҳар ўнта жойдаги платформани айлантйриш билан амалга оширилади. Камеранинг пастки қисмида қиздириш мосламалари-10, қанотли кўпкураклар-11, катализатор-12 ва кабел-13 жойлашган. Қуритиш камерасининг юқори қисмига контактли-14 ва текширувчи-15 термометрлар жойлаштирилган.



4-Расм. ШСХ-1 русумли қуритиш жавони схемаси

Уз-8 ускунаси янгидан яратиладиган намликни ўлчаш ускуналарини градуировка ва аттестация қилиш ҳамда ишлатилаётган пахта ва ундан олинadиган маҳсулотлар намлигини ўлчаш ускуналарини ишини текширишга мўлжалланган. Уз-8 ускунасининг умумий кўриниши 5-расмда келтирилган.



5-Расм

1-ШСХ-1 қуритиш шкафи; 2 - кучланиш стабилизатори; 3 - бюкса; 4 - 2 чи синфга мансуб лаборатория тарозиси; 5 - қискичлар; 6 - чигитни майдалаш қурилмаси; 7 - эксикатор; 8 - "Янтарь" соати; 9 - назорат термометри; 10 - созлаш термометри; 11 - таъминлаш кабелли; 12 - таъминлаш кабелли.

Уз-8 ускунасига қуйидаги қисмлар киради:

ШСХ-1 қуритиш шкафи (унинг схемаси 5-расмда келтирилган);
С-0,9 стабилизатори;

ВЛР-200тарозиси;
 2-250 эксикатори (2 та);
 “Янтар ”–6973 сигналли соат;

Уз–8 ускунаси ИИ синфли намунавий ўлчов воситалари сафига киради.

Намликни ўлчашда хатоликни систематик ташкил этувчисини ўрта квадрат оғишининг рухсат этилган қиймати чегараси 0,05 фоизга тенг. Паралел қуритилаётган намуналар орасидаги хатоликнинг тасодифий ташкил этувчисининг рухсат этиладиган қиймати 0,1 фоизга тенг.

Фойдаланиш шартлари:

- а) Атроф муҳитнинг ҳарорати +10 °С дан+35 °С гача
- б) Атроф муҳит ҳавосининг нисбий намлиги 80 фоизгача

в) (50±1) Нз частотада таъминлаш кучланиши 220^{+22}_{-33} В

Уз–8 қурилмасининг техник тавсифи

6-жадвал

Намликнинг ўлчаш чегараси, %	0 дан 50 гача
Қуритиш муддати, х:	
пахта ва чигит	4
тола, момик	2
тола чиқиндилар	2
Қуритишни номинал ҳарорати, °С	110
Тортишдаги хатолик, г	0,001
Атроф муҳит ҳавоси намлигини меъёрий ҳолатдан ишлатиш шароитига ўзгарганда хатоликни систематик ташкил этувчисига рухсат этиладиган ўзгариш, %	±0,1
Ҳарорати ўзгарганда атроф муҳит ҳавоси намлигини меъёрий ҳолатдан ишлатиш шароитига ўзгарганда хатоликни систематик ташкил этувчисига рухсат этиладиган ўзгариш, %	±0,1
Таъминот кучланиши $+22 \text{ В}$ -33 В , оғишда атроф муҳит ҳавоси намлигини меъёрий ҳолатдан ишлатиш шароитига ўзгарганда хатоликни систематик ташкил этувчисига рухсат этиладиган ўзгариш, %	±0,1
Ўртача сарфланадиган қувват, W	800
Қуритиш шкафининг ўлчамлари, мм:	
Узунлиги	530
Кенлиги	470
Баландлиги	620
Массаси (идишидан ташқари), кг дан кўп эмас	150

Уз-8 қурилмасининг эҳтимолий носозликлари, уларнинг сабаблари ва бартараф қилиш усуллари

7-жадвал

Носозликлари	Сабаблари	Бартараф қилиш усуллари
1	2	3
1. Ёқилганда бошқариш пултида “Сеть” ва “Нагрев” лампалари ёнмайди.	Лампа куйган.	Қалпоқлари олиниб лампа алмаштирилсин.
2. Шкаф 30 мин ишлагандан кейин куришиш камерасида ҳарорат 100 °С дан 10 °Скўлга ўзгаради.	ТПК-4П-103 созлаш термометрининг контактлари нотўғри қўйилган. Контакт термометрининг занжири узилган.	Термометр қўзғалувчи контактни 100 °С белгисига ўрнатилсин. Контакт термометрининг занжири текширилсин ва узилган занжир улансин.
3. Қиздириш элементи ҳарорати 100 °С га етганда ҳам қиздириш давом этади ва элемент ўчмайди.	Электрон созлагич блоки носоз.	Созлагич текширилсин, занжирни текшириб носозлик топилсин ва тузатилсин.
4. Вентильатор ишлайди, камерада ҳарорат кўтарилади, “Нагрев” лампаси ёнмайди.	Қиздириш элементининг спирали куйган.	Шкаф занжирдан ўчирилсин, спирал улансин ёки бутунлай алмаштирилсин.
5. 4-Б4 ёки ТПК 4П-103термометрининг симоб устуни узилган.	Ишлатишда, ташишда кучли силкиниш бўлган.	1. Термометр силкитилсин ёки резина тагликга урилсин. 2. Симобли идиш аста симоб капиллярнинг кенгайган қисмигача кўтарилгунча қиз-дирилсин ва секин совутилсин. 3. Симобли идиш –30-35 °С гача совутилсин. 4. Волфрамли ип ёрдамида уни капилляр бўйлаб узилишгача тушириб (ТПК термометри учун) ҳамма ҳолатда термометрни симобини пастга қилиб вертикал ҳолда ушлаб турилсин.
6. Тарози экрани хира ва нотекис ёритилган.	Ёритгич нотўғри қўйилган.	Патроннинг қотириш винти бўшатилиб унинг ҳолати ўзгартирилиб экраннинг энг яхши ёритилган ҳолати топилсин.
7. Тарози ёқилганда экранда шкала кўрсаткичи сакрайди ёки ноаник ҳолат-да тўхтаб юрмайди.	1. Силкинишни тинчлантир-гичлар корпуслари бир-бирига тегади. 2. Ҳалқасимон ўрнатилган тошлар планкадаги ўрнига тушмайди, илгакларга ёки бир-бирига тегади.	Тарозининг ўрнатилиши шай-тон билан текширилсин. Қопқоғи очилсин. Тинчлантиргичларни остки корпусини ҳолати ўзгартирилиб тегишлар йўқотилсин. 2. Тарози ўчирилсин ва бир неча бор тош механизмнинг дастаси текширилсин, ундан кейин ўрнатилган тошлар ҳолати текширилсин. Зарурат бўлса илгаклар бироз эгилсин.
8. Тарози ёқилганда экран ёритилмайди.	Лампаси куйган.	Патрон чиқарилсин ва лампаси ўзгартирилсин.

Қуритиш жавонларида пахта хом ашёси, тола, чигит ва момиқнинг намликларини аниқлаш усуллари

Пахта хом ашёси, тола, чигит ва момиқларнинг намликларини қуритиш жавонларида аниқлашда, таркибига металл бюкслар шунингдек шкала бўлими 2°C бўлган контактли термометр, шкала бўлими $0,5^{\circ}\text{C}$ дан ошмаган назорат термометрлар киритилган табиий ҳаво алмаштиргичли УЗ-7М ёки мажбурий ҳаво алмаштиргичли ШСХ типигадаги қуритиш жавони, ёки УЗ-8 туридаги намунали қурилма, қуритиш қисмида 3°C дан ошмаган ўзгарувчан талаблари таъминлайдиган табиий ёки мажбурий ҳаво алмаштиргичли бошқа қуритиш жавонлари қўлланиши мумкин.

Қуритиш жавони ёрдамида намликнинг вазний улушини аниқлашда ўртача намунадан 10,00 г вазнга эга тўртта намуна қисми ажратилади. Намуналар аниқлиги 3 ёки 4 чи синфга мансуб бўлган лаборатория тарозилари, уларни тортиш энг катта чекланиши 1 кг гача, шкаласининг оралиқ даражаси 10 мг бўлиши керак.

Агар чигитнинг намлигини аниқлаш керак бўлса, у ҳолда олинган ҳар бир намуна қисми чигитни майдалаш учун ишлатиладиган $(2,0\pm 0,2)$ мм-ли тарам-тарам валикли қурилма ёки 70 мм дан кам бўлмаган металл ёки чинни ҳавончада майдаланади, агар намлик 12 % дан юқори бўлса (чигитлар майдаланмайди) унда ҳар бир намуна қисми қуритиш жавони $(110\pm 1,5)^{\circ}\text{C}$ да бир соат мобайнида турилгандан кейингина майдаланади.

Бюксга солинган пахта хом ашёси намунаси очик ҳолда $(110\pm 1,5)^{\circ}\text{C}$ гача қиздирилган қуритиш шкафига жойлаштирилади. Намуна қисмлар солинган бюкслар совитилгач, ўлчанади, шундан кейин бўшатиш бюксларнинг ўзи ҳам иккинчи ўнли қийматликкача аниқликда ўлчанади.

Пахта хом ашёсини, толанинг намлигини қуритиш жавонларида аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$W = \frac{(M_n - M_q)}{M_q} 100 \%$$

Чигитнинг намлигини аниқлашда:

$$W = \frac{(M_n - M_q)}{M_n} 100 \%$$

бу ерда: M_n -пахта хом ашёси ёки чигит намунасининг қуритишгача бўлган вазни, г.

M_q -пахта хом ашёси ёки чигит намунасининг қуритишдан кейинги вазни, г.

Ўртача олинган намунанинг намлиги 20 % гача бўлса 0,5 % дан, 20 % дан кўп бўлса ҳар бир ўртача намунанинг бир-биридан фарқи 1 % дан ошмаслиги керак.

Олинган намуналарнинг ўртача арифметик қиймати қуйидагича ҳисобланади:

$$W_{yp} = \frac{W_1 + W_2 + W_3 + W_4}{4}$$

бу ерда: W_1 ; W_2 ; W_3 ; W_4 ; намуналарнинг намлиги, %

ТАЖРИБА БАЁНИ

ортача намуналар	Намунанинг қуритишгача бўлган вазни, г M_n	Қуритилгандан кейинги намуна вазни, г M_c	Намлик %
	УСХ-1, ВХС-М1, Уз-7М, ШСХ-1	УСХ-1, ВХС-М1, Уз-7М, ШСХ-1	
И ИИ ИИИ ИВ			

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ

1. Пахта хом ашёсининг намлиги дэб нимага айтилади?
2. Пахта хом ашёсининг намлигини аниқлаш усулларини тушунтиринг?
3. Пахта хом ашёси ва унинг компонентлари бўйича намлиги тезкор усулда қандай аниқланади?
4. Пахта хом ашёси ва унинг компонентлари бўйича намлиги қуритиш жавонларида қандай аниқланади?
5. Пахта хом ашёсининг намлигини қуритиш жавонида аниқлашни тезкор усулида аниқланишдан фарқи нимада?
6. Пахта хом ашёси ва унинг компонентлари бўйича намлигини термонамўлчагичларда ҳисоблаш формуласини ёзинг ва изоҳланг.
7. Пахта хом ашёси ва унинг компонентлари бўйича намлигини қуритиш жавонларида ҳисоблаш формуласини ёзинг ва изоҳланг.
8. Пахта хом ашёси намлиги технологик жараёнга қандай таъсир қилади?
9. Пахта хом ашёси намлигини аниқлаш усулларини айтинг ва уларнинг афзаллик, камчиликлари нимада?

3-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

МАВЗУ: ҚУРИТИШ УСКУНАЛАРИНИНГ ИССИҚЛИК ҲИСОБИНИ АНАЛИТИК УСУЛДА ҲИСОБЛАШ

Ишдан мақсад: Қуритиш ускуналарининг иссиқлик сарфини аналитик усулда ҳисоблашни ва қуритгичнинг иссиқлик ҳисобини ўрганиш. Олинган натижалар асосида иссиқлик сарфи графикларини ясаш.

ТОПШИРИҚ

1. Қуритиш барабанининг аналитик ҳисоблаш усулининг моҳияти.
2. Қуритиш барабанига берилаётган иссиқликнинг сарф бўладиган манбаларини аниқлаш.
3. Аналитик усулда умумий ва солиштирма иссиқликнинг йўқолишини ҳисоблаш.
4. Олинган натижалар асосида 2СБ-10 қуритиш барабанида иссиқликни тақсимланиш диаграммасини ясаш ва уни таҳлил қилиш.
5. Хулоса.

ҚУРИТГИЧНИНГ ИССИҚЛИК ҲИСОБИ

Қуритиш ускунасининг керакли ўлчамларини, электр-энергия сарфини, қуритиш учун керак бўладиган ҳаво миқдорини ва қуритгичга керакли иссиқлик ҳисобини аниқлаш, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қуритгичнинг материал ва иссиқлик тенгламасини тузиш;
- қуритилаётган материал бўйича, керакли иш унумини таъминлаш учун қуритгичнинг асосий ўлчамларини аниқлаш;
- ёрдамчи ускуналарни (ўтхона, вентилятор ва бошқалар) танлаш ва ҳисоблаш.

Қуритгичнинг ҳисоблашни икки ҳил усули мавжуд:

- аналитик, яъни қуритгичнинг иссиқлик ва намлик теғламасини ўрганиш асосида;
- иккинчиси графоаналитик усули орқали- яъни I-d диаграмма ёрдамида.

Қуритиш барабаниларини ишчи камераларига тушаётган нам материаллар, қарши ёки тўғри оқимли иссиқ ҳаво билан учирашиши натижасида ортиқча намлик ажратилиб, ишланган ҳаво билан чиқариб юборилади ва жараён узликсиз равишда давом этади.


Газли муҳит (тутунли газ ёки ҳаво) қандайдир шароитда ўзаро учрашиб, қуритилган материал билан иссиқлик алмашуви натижасида ундаги намликни ажралишига *қуритиш агенти* деб аталади. Ташқи муҳитдан иссиқликни олиш ва қуритиш агентига узатиб беришига *иссиқлик олиб юргич* деб айтилади.

Конвектив қуритиш барабанларида иссиқ ҳаво олиб юргич бир вақтни ўзида қуритиш агенти вазифасини ҳам бажаради.

Иссиқлик олиб юргичнинг ва қуритиш агентини барча кўрсаткичлари қуриш жараёнида ўзгаради.

Замонавий қуритиш ускунасини ҳисоб схемаси И-расмда келтирилган. Қуритгични материал тенгламасини ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- t_0 ; φ_0 ; d_0 ; I_0 -ташқи ҳаво кўрсаткичлари;
- t_1 ; φ_1 ; d_1 ; I_1 -қуритгичга кираётган ҳаво кўрсаткичлари;
- t_2 ; φ_2 ; d_2 ; I_2 -қуритгичдан чиқиб кетаётган ишланган ҳаво кўрсаткичлари;
- Γ_1 ; Γ_2 - нам ва қуриган пахта хом ашёси вазни , кг/соат;
- Γ_c -абсолют қуруғ пахта хом ашёси вазни , кг/соат;
- W_1 -пахта хом ашёсини бошланғич намлиги, %;
- W_2 -қуритилган пахта хом ашёси намлиги, %;
- $W_{буғ}$ -буғланган намлик миқдори, кг/ соат.



1-расм. Замонавий қуритиш ускунасини ҳисоб схемаси

- t_1, φ_1, d_1, I_1 -қуритгичга кираётган ҳаво кўрсаткичлари;
- t_2, φ_2, d_2, I_2 -қуритгичдан чиқиб кетаётган ишланган ҳаво кўрсаткичлари;
- Γ_1, Γ_2 -нам ва қуриган чигитли пахта вазни ,кг/соат;
- Γ_c -абсолют қуриган чигитли пахта вазни ,кг/соат;
- W_1 -чигитли пахтанинг бошланғич намлиги ,%;
- W_2 -қуритилгандан кейинги чигитли пахтанинг намлиги, %;
- $W_{буғ}$ - буғланган намлик миқдори, кг/соат.

Ҳаво билан қуритишнинг материал тенгламасини ҳисоблашда материалнинг намлиги деган тушунчадан тўғри ва аниқ фойдаланиб, уни намликни нисбий вазнига ва намликни вазний улушига бўлинишини инобатга олиш зарур.

Материал намлиги- деб шу материал таркибидаги намлик миқдори қуруқ материал вазний нисбати билан ўлчанадиган катталиқка айтилади деган тушунча киритилса (W), у ҳолда:

а) нам пахта хом ашёси таркибидаги намликни вазни

$$q_1 = \frac{G_c \cdot W_1}{100}.$$

қуритилган пахта хом ашёси бўйича

$$q_2 = \frac{G_c \cdot W_2}{100};$$

б) 1 соатда қуритгичдан буғланган намликнинг вазни

$$W_{\text{бу}} = q_1 - q_2 = \frac{G_c (W_1 - W_2)}{100};$$

в) критишгача ва ундан кенги материални абсолют қуруғ вазни доимий яъни:

$$G_C = \frac{100 \cdot G_1}{100 + W_1} = \frac{100 \cdot G_2}{100 + W_2},$$

бу ерда қуритгичга тушаётган нам пахта хом ашёсининг вазни

$$G_1 = G_2 \frac{100 + W_1}{100 + W_2},$$

қуритгичдан чиқиб кетаётган қуриғ пахта вазни

$$G_2 = G_1 \frac{100 + W_2}{100 + W_1}$$

г) қуруғ материал ва 1 кг намни қуритгич буғлатган вазни:

$$\frac{W_{\text{бу}}}{G_1} = 1 - \frac{G_2}{G_1} = 1 - \frac{100 + W_2}{100 + W_1} = \frac{W_1 - W_2}{100 + W_1},$$

$$\frac{W_{\text{бу}}}{G_2} = \frac{G_1}{G_2} - 1 = \frac{100 + W_1}{100 + W_2} - 1 = \frac{W_1 - W_2}{100 + W_2},$$

у ҳолда 1 соатда намни буғланган вазни:

$$W_{\text{бу}} = G_1 \frac{W_1 - W_2}{100 + W_1} = G_2 \frac{W_1 - W_2}{100 + W_2},$$

Нам материалнинг вазни ва намлик қийматларини билган ҳолда келтирилган тенгламалар ёрдамида, буғланган намлик ва қуруғ материал вазни аниқланади.

Агарда қуритиш билан биргалиқда тозалаш жараёни ҳам содир бўлса у ҳолда чиқиб кетаётган пахта хом ашёси вазни қуйдагига тенг бўлади:

$$G_2 = G_1 \frac{100 + W_2}{100 + W_1} - G_{\text{уф}}$$

бу ерда: $G_{иф}$ -қуритгичдан ажралган ифлослик вазни, кг/соат.

Пахта хом ашёсини ифлослиги ва технологик машинани тозалаш самарадорлигини аниқлаш қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$G_{иф} = \frac{G_1 * I * K}{10000}$$

бу ерда: I - пахта хом ашёсини ифлослиги, % ;

K - тозалаш самарадорлиги, %.

Бу формулани юқоридаги тенгламага олиб бориб қўйсак:

$$G_2 = G_1 \frac{100+W_2}{100+W_1} - \frac{G_1 \cdot I \cdot K}{10000} = G_1 \left[\frac{100+W_2}{100+W_1} - \frac{I \cdot K}{10000} \right]$$

Ҳаво сарфи ва намлик тенглиги

Намлик ва иссиқликни ташувчи, қуруқ ҳавони абсолют ва назарий қуритиш жараёнидаги материални абсолют қуруқ вазни доимий бўлганлиги учун қуритиш жараёнини 1 кг қуруғ ҳаво бўйича ҳисоблаш қулайдур.

Қуритгичга кираётган ва ундан чиқаётган нам ҳавони вазни қўйидаги формуладан ҳисобланади.

$$L \frac{d_1}{1000} \text{ ва } L \frac{d_2}{1000}.$$

бу ерда L - қуритиш учун керак бўладиган, қуруғ ҳаво миқдори, кг/соат:

d_1 ва d_2 - қуритгичга кираётган ва ундан чиқаётган намлик салқими, г/кг қуруғ ҳаво.

Қизитилган қуритиш агенти, қуритиш жараёнида буғланган барча намликни ўзига қабул қилади. Умумий намлик миқдори, ҳаво ва материал билан қуритгичга тушаётган ҳаво шунга мос равишда қуритгичдан чиқиб кетаётган ишланган ҳаво ва материалда қолган намлик, умумий намлик миқдорига тенг бўлиши керак.

Шунга асосан намлик бўйича қуритгични материал тенграмаси:

$$\frac{G_c * W_1}{100} + L \frac{d_1}{1000} = \frac{G_c * W_2}{100} + L \frac{d_2}{1000}.$$

$$\frac{G_c * W_1}{100} - \frac{G_c * W_2}{100} = W_{бу} L = \frac{1000}{d_2 - d_1} W_{бу}.$$

1 кг намликни (l) буғлатиш учун қуриғ ҳаво сарфи қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$l = \frac{L}{W_{,eu}} = \frac{10000}{d_2 - d_1},$$

Ҳаво ўтхонада қизитилгандан сўнг ҳам унинг намлик сақлами ўзгармайди. Яъни $d_1 = d_0$ га тенглигича қолади. Унда

$$l = \frac{1000}{d_2 - d_0}$$

Бундан кўришиб турибдики, d_1 - ошиши билан, яъни d_2 ни ўзгармагани ҳолда қуритишга сарф бўладиган ҳаво ортади.

Вентиляторни танлашда ўтхонага кираётган намлик сақлами қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$d_0 = \frac{622 \cdot P_n}{B - P_n}$$

бу ерда: P_n - сув буғининг порциал босим, Н/м²;
 B - барометрик босим, Н/м².

ҚУРИТГИЧНИ ИССИҚЛИК ТЕНГЛИГИ

Қуритиш камерасига кираётган иссиқлик қуйдагиларга сарф бўлади:

- пахтадаги намликни буғлатишга;
- қуритиш агенти билан қўшилиб чиқишга;
- барабандан чиқаётган пахтага;
- қуритилаётган пахтани транспортировка қилишга;
- бир қисми, ўраб турган мухитга.

I. Намликни буғлатишдаги иссиқлик миқдори, ж/соат:

$$Q_1 = W_{\text{буғ}}(i_n'' - C_e \cdot \theta_1)$$

бу ерда: $W_{\text{буғ}}$ - буғлатилган намлик миқдори, (кг/соат);

i_n'' - t_2 ва φ_2 ҳолдаги чиқиб кетаётган буғнинг

иссиқлик сақлами бўлиб, у $i_n'' = 2491 \cdot 10^3 + 1968 \cdot t_2$ (ж/кг) тенг;

C_e – материалдаги сувнинг иссиқлик сифими бўлиб,

$C_e = 4187$ Ж/кг•град. га тенг.

θ_1 - материални бошланғич ҳарорати, °С

1 кг намликни буғланишга сарфланган солиштирма иссиқлик қуйидагига тенг, [Ж/кг]:

$$q_1 = \frac{Q_1}{W_{\text{буғ}}} = (i_n'' - C_e \cdot \theta_1)$$

III. Қуритиш агенти билан қўшилиб чиқишга сарфланган иссиқлик, [Ж/кг]:

$$Q_2 = L_{\text{чик}}(944.83 + 1.97 \cdot d_2) \cdot (t_2 - t_0)$$

бу ерда: $L_{\text{чик}}$ - чиқиб кетаётган ҳаво сарфи, кг/соат;

(944,83+1,97d₂)-ташқи ҳавонинг келтирилган иссиқлик сиғими [Ж/кг•град].

Солиштирма иссиқлик сарфи, [Ж/кг]:

$$q_2 = \frac{Q_2}{W_{\text{буз}}} = L_{\text{чик}}(994,83 + 1,97 \cdot d_2) \cdot (t_2 + t_0)$$

ИИИ. Барабанга кираётган пахтага иссиқлик сарфи. [Ж/кг];

$$Q_3 = G_2 \cdot c_2 \cdot (\theta_2 - \theta_1),$$

бу ерда: c₂-чиқаётган пахтанинг иссиқлик сиғими,[Ж/кг •град];

θ₂ va θ₁ - қуритиш барабанига кираётган ва ундан чиқаётган пахта хом ашеси ҳарорати, °С

Солиштирма иссиқлик сарфи, [Ж/кг]:

$$q_3 = \frac{Q_3}{W_{\text{буз}}} = \frac{G_2 \cdot c_2 \cdot (\theta_2 - \theta_1)}{W_{\text{буз}}}$$

ИВ. Қуритилаётган пахтани транспортировка қилишга сарфланаётган иссиқлик[Ж/соат];

$$Q = G_{\text{мп}} c_{\text{мп}} (t''_{\text{мп}} - t'_{\text{мп}})$$

бу ерда: G_{мп} -Қуритгич 1 соат ишлаганда транспортировка қилинадиган вазин, [Ж/кг град];

t''_{тр} va t'_{тр} - транспортировкада қуритишдан олдинги ва кейинги ҳарорати, °С.

Солиштирма иссиқлик сарфи, [Ж/кг];

$$q_4 = \frac{Q_4}{W_{\text{буз}}} = \frac{G_{\text{тр}} * C_{\text{тр}} * (t''_{\text{тр}} - t'_{\text{тр}})}{W_{\text{буз}}}$$

В. Барабани ўраб турган муҳитга иссиқлик сарфи, [Ж/соат]

$$Q_5 = \sum [K \cdot F \cdot (t_{\text{чик}} - t_{\text{маи}})],$$

бу ерда: Ф- Қуритгичнинг тўсиқ майдонларини алоҳида юзаси, м²

t_{чик}-қуритгичдаги ҳавони ҳарорати, °С

t_{таш} -цеҳдаги муҳит ҳарорати, °С

К- алоҳида юзалар орқали иссиқлик узатиш коэффициент (Ж/м² соат град);

Солиштирма иссиқлик сарфи, [Ж/кг];

$$q_5 = \frac{Q_5}{W_{\text{буз}}} = \frac{\sum [K \cdot F \cdot (t_{\text{чик}} - t_{\text{маи}})]}{W_{\text{буз}}},$$

Ишлаш жараёнида ҳар хил йўллар билан иссиқлик ташқарига чиқиши мумкин (ўтхонада, тирқишлардан ҳавони чиқиб кетиши ва бопқалар), уларни аниқлаш жуда қийинлиги сабабли ҳисобга олинмайди.

Агарда бундай иссиқлик сарфини К₆ деб белгилаб ҳисобга олинса у ҳолда қуритгичнинг умумий иссиқлик сарфи қуйидагига тенг бўлади.

$$\sum Q = Q_1 + Q_2 + Q_3 + Q_4 + Q_5 + Q_6$$


Иссиқликни йўқолиш солиштирма сарфи йиғиндиси қуйидагига тенг:

$$\sum q = q_1 + q_2 + q_3 + q_4 + q_5 + q_6$$

Қуритиш жараёнига фақат q_1 иссиқлиги сарф бўлади. Қуритиш ускунасининг фойдали иш коэффициентини деб, 1 кг пахтани буғлатишга кетган иссиқлик миқдорини умумий кетган иссиқлик сарфига фойдаланиш нисбатига айтилади ва у қуйидагича аниқланади:

$$\eta = \frac{q_1}{\sum q} \cdot 100\%$$

Агарда шартли равишда қуритиш барабанига узатилаётган иссиқ ҳавони ҳарорати 300°C , барабандан ишланиб чиқиб кетаётган иссиқ ҳавони ҳарорати 100°C бўлганда 2СБ-10 русумли қуритиш барабанида иссиқлик сарфи тақсимланиши қуйидаги диаграмма шаклида ифодаланган (2- расм).



2-расм. 2СБ-10 русумли қуритиш барабанида иссиқлик сарфининг тақсимланиш диаграммаси

Ушбу диаграммадан кўриниб турибдики иссиқликни фойдали ишга сарфланиши 41% ни ташкил қилмоқда, яъни қизитишга ва сувни буғлатишга (6+35%); қолган кўп қисми ишланган ҳаво билан бирга ташқарига чиқиб, фойдасиз ишга сарфланади.

Мисол: Қуритиш барабанини аналитик ҳисоби

2СБ-10 русумли қуритиш барабанини қуйидаги шартлар асосида аналитик ҳисоблаш учун қуйидаги бошланғич маълумотлари берилган бўлиши керак: нам

пахта хом ашёси бўйича иш унуми 10 т/соат; пахта хом ашёсини бошланғич намлиги $W_1=16\%$, қуритилгандан кейинги намлиги $W_2=10\%$; ташқи ҳаво кўрсаткичлари: ташқи ҳаво ҳарорати $t_0=10^\circ\text{C}$; ҳаво сақлами $d_0=5$ г/кг қур.ҳаво. Қуритиш барабанига берилаётган ҳаво ҳарорати $t_1=200^\circ\text{C}$, қуритиш барабанидан чиқиб кетаётган ҳаво ҳарорати $t_2=100^\circ\text{C}$, барабандан чиқиб кетаётган ҳаво сақлами $d_2=27$ г/кг қур.ҳаво: Қуритиш барабанига тушаётган пахта хом ашёсини ҳарорати $\theta_1=20^\circ\text{C}$, ва ундан чиқиб кетаётгандаги $\theta_2=60^\circ\text{C}$.

Қуритиш барабанидан 1 соатда буғлатаётган намликнинг миқдори:

$$W_{\text{нам}} = G_1 * \frac{W_1 - W_2}{100 + W_1} = 10000 * \frac{16 - 10}{100 + 16} = 517.24 \text{ кг / соат}$$

Қуритиш барабанидан қуриб чиқиб кетаётган пахта миқдори:

$$G_2 = G_1 * \frac{100 + W_2}{100 + W_1} = 10000 * \frac{100 + 10}{100 + 16} = 9482.759 \text{ кг / соат.}$$

1 кг намликни буғлатиш учун сарф бўладиган қуруқ ҳаво миқдори:

$$l = \frac{1000}{d_2 - d_0} = \frac{1000}{27 - 5} = 45,45 \text{ кг/кг буғ.нам}$$

бунда: $d_0=d_1=5$ г/кг қуруқ ҳаво.

Қуруқ ҳавонинг умумий сарфи:

$$L = l \cdot W_{\text{нам}} = 45,45 \cdot 517,24 = 23508,6 \text{ кг/соат}$$

Умумий нам ҳавонинг ҳажми:

$$V = L \cdot \rho_{\text{кел}} = 23508,6 \cdot 0,854 = 20076,3 \text{ м}^3/\text{соат},$$

бу ерда: $\rho_{\text{кел}}$ - келтирилган ҳажм, буни 1- иловадан топамиз.

$$(t_0=20^\circ\text{C} \text{ ва } d_0=5 \text{ г/кг қур. ҳаво. } \rho_{\text{кел}}=0,854 \text{ м}^3/\text{кг қур. ҳаво})$$

Топилган ҳавонинг умумий ҳажми қийматига асосан вентиляторни танлаб оламиз, уни танлашда албатта ҳаво юриши йўли қаршилигини ҳисобга олиниши керак.

I. Намликни буғлатиш учун керак бўлган солиштирма иссиқлик сарфи:

$$q_1 = (i_n'' - c_B \cdot \theta_1) = 2687800 - 4187 \cdot 20 = 2604060 = 2604,06 \text{ кЖ/кг},$$

бу ерда: $i_n'' = 2491 \cdot 10^3 + 1968 \cdot t_2 = 2491000 + 1968 \cdot 100 = 2687800 \text{ ж/кг},$

Намликни буғлатишга сарф бўладиган иссиқликни умумий миқдори:

$$Q_1 = q_1 \cdot W_{\text{нам}} = 2604,06 \cdot 517,24 = 1346928 \text{ ж/соат.}$$

II. Қуритиш барабанидан иссиқ ҳаво билан чиқиб кетаётган

солиштирма иссиқлик сарфи:

$$q_2 = L_{\text{чик}} (994,83 + 1,97 \cdot d_2) \cdot (t_2 - t_0) = 45,45 \cdot (994,83 + 1,97 \cdot 27) \cdot (100 - 20) = 3810982 \text{ ж/кг} = 3810,982 \text{ кж/кг.}$$

Иссиқликни умумий йўқолиши.

$$Q_2 = q_2 \cdot W_{\text{нам}} = 3810,982 \cdot 517,24 = 1971198 \text{ Ж/соат.}$$

III. Қуритиш барабанидан қуриб чиқиб кетаётган чигитли-пахтага сарф бўлаётган солиштирма иссиқлик:

$$q_3 = \frac{G_2 \cdot C_2}{W_{\text{буз}}} \cdot (\theta_2 - \theta_1)$$

Иссиқлик ҳажмини олдиндан аниқлаймиз:

$$C_2 = \frac{100C_c + W_2C_B}{100 + W_2} = \frac{100 \cdot 1.6 + 104.19}{100 + 10} = 1.835 \text{ кЖ/кг. град}$$

бу ерда: $C_c = 1,6$ кЖ/кг. град. У ҳолда

$$q_3 = \frac{9482.76 \cdot 1.835}{517.24} (60 - 20) = 1345.8 \text{ кЖ/кг.}$$

Қуриб чиқиб кетаётган пахта хом ашёси таркибидаги иссиқлик миқдори:

$$Q_3 = q_3 W_{\text{буз}} = 1345,8 \cdot 517,24 = 696103,5 \text{ кЖ/соат.}$$

Қуритиш барабанини қизитишга, яъни керакли тартибни танлаб олиш учун иссиқлик миқдорининг сарфи оз бўлганлиги учун $q_4 = 0$ тенг деб оламиз. 2СБ-10 русумли қуритиш барабанини ички тўсиқлар орқали узатишда йўқотиладиган солиштирма иссиқлик- q_5 , бўлса, иссиқликни узатиш коэффиценти $K = 3,36$ кЖ/(м²•соат•град.)тенг

IV. Қуйидаги формула орқали солиштирма иссиқликни сарфи ҳисобланади:

$$q_5 = \frac{FK}{W_{\text{буз}}} (t'_1 - t_0) = \frac{1605 \cdot 3.36}{517.24} (70 - 20) = 52.13 \text{ кЖ/кг}$$

бу ерда: F-қуритиш барабаннинг ички ишчи камерасини юзаси бўлиб,
у F=160,5 м² тенг

t'_1 - қуритиш барабанини обечайкаси қизишини ўртача ҳарорати
у(цниихпром ҳисоби бўйича $t'_1 = 70^0\text{C}$) тенг

Иссиқликни умумий сарфи

$$Q_5 = q_5 W_{\text{буз}} = 52,13 \cdot 517,243 = 26964 \text{ кЖ/соат}$$

V. Иссиқликни умумий сарфи қуйидагича аниқланади:

$$\sum Q = Q_1 + Q_2 + Q_3 + Q_4 + Q_5 = 1346928 + 1971198 + 696103.5 + 0 + 26964 = 4041193 \text{ кЖ/ соат.}$$

VI. 1кг намликни ажратишга сарф бўладиган солиштирма иссиқликни умумий йўқолиши қуйидагича аниқланади.

$$\sum q = 2604,06 + 3810,98 + 1345,8 + 0 + 52,1 = 7812,9 \text{ кЖ/кг.}$$

у ҳолда биз қуритиш ускунасининг Ф.И.К. ни қуйидагича топамиз:

$$\eta = \frac{q_1}{\sum q} \cdot 100\% = \frac{2604.06}{7812.9} \cdot 100 = 33.3\%$$

ёки

$$\eta = \frac{Q_1}{\sum Q} \cdot 100\% = \frac{1346928}{4041193} \cdot 100 = 33.3\%$$

Ушбу барча ҳисобий ишларни илова 2 да келтирилган "Қуритиш барабанини аналитик ҳисоби" ЭХМ праграммаси ёрдамида бажариш мумкин.

4-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Мавзу: ҚУРИТГИЧНИНГ ИССИҚЛИК ҲИСОБИНИ ГРАФОАНАЛИТИК УСУЛДА АНИҚЛАШ

Ишдан мақсад: I-D диаграммаси ёрдамида қуритиш барабанларида сарф бўладиган иссиқлик сарфини графоаналитик усулда аниқлашни ва график ясашни ўрганиш, ҳамда уларни таҳлил қилиш.

ТОПШИРИҚ

1. I-d диаграммасини масштаб бўйича чизиш ва ўтказилган ҳар бир чизиқларни таҳлил қилиш.
2. I-d диаграммасини аҳамиятини, унинг моҳиятини ва авзаллик томонларини ўрганиш.
3. I-d диаграммасида ҳақиқий ва назарий қуриш жараёнини аниқлаш.
4. Берилган вариант бўйича I-d диаграммасида ҳақиқий ва назарий қуриш жараёнини ясаш.

Иссиқлик ҳисобини графоаналитик усули

Барабанларни аналитик ҳисоби бир нечта мураккаб тенгламаларни ўз ичига олиб, улардан фойдаланган ҳолда ҳисоблашга тўғри келади. Бу ҳисобни соддалаштириш учун тенгламаларга таянган ҳолда графоаналитик усули I-d диаграмма орқали амалга оширилади.

Иссиқлик ҳисобини графоаналитик усулида ҳавонинг уч ҳолати:

- бошланғич;
- иссиқлик ўт хонасидан кейинги;
- қуритиш барабанидан кейинги ҳолатлари I-d диаграммада тасвирланади.

Қуритиш жараёнини I-d диаграммадан фойдаланиб ҳисоблаганимизда назарий ва ҳақиқий қуриш жараёни тушунчалари қўлланилади.

I-d диаграммада аввал назарий қуриш жараёни тасвирланади.

Назарий қуриш жараёни деб, шундай жараёнга айтиладики, бунда фойдасиз иссиқлик сарфи бўлмайди, яъни иссиқ ҳавонинг ҳаммаси намликни буғлатишга сарф бўлади деб ҳисобланади.


Назарий қуриш жараёнини тасвирлагандан сўнг ҳақиқий қуриш жараёни тасвирланади.

Ҳақиқий қуриш жараёни иссиқлик сарфи унга вақти-вақти билан қўшилиб туриш билан назарий жараёндан фарқ қилади. Иссиқлик ўтхонасида ҳавони қизишини тасвирлаш учун бизга, ҳавони бошланғич ҳарорати- t_1 , нисбий намлиги- ϕ_0 , ва қанча ҳароратгача қиздириш кераклиги, яъни- t_2 берилган бўлиши керак.

Қизиш жараёнини I-d диаграммада тасвирлаш учун қуйидаги ишлар бажарилади: (1-расм)

1). $t_0 = \text{const}$ ва $\varphi_0 = \text{const}$ чизиқлари ўтказилиб, уларнинг кесилган нуқтаси (А) аниқланади. А нуқта ҳавони бошланғич ҳолатини тасвирловчи нуқта ҳисобланади.

2). А нуқтадан $d_0 = \text{const}$ чизиқи ўтказилади.



25-расм. I-d диаграммада назарий қуритгичдаги қуриш жараёни

1-Расм. Назарий қуриш жараёнининг I-d диаграммалаги тасвири

3). $d_0 = \text{const}$ ва $t_1 = \text{const}$ чизиқларини кесилган нуқтаси (В) топилади.

(В) нуқта ҳавони иссиқлик ўтхонасида қиздиргандан кейинги ҳолати тасвирловчи нуқта ҳисобланади. А-В чизиқъи ҳавони иссиқлик ўтхонасида қизишини I-d диаграммадаги тасвири ҳисобланади. Ҳавони иссиқлик ўтхонасидан олган иссиқлиги уни қиздириш учун (А) нуқтадан (В) нуқтадаги кесма бўлади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$Q_T = L \cdot (I_1 - I_0) \text{ кЖ/соат,}$$

бу ерда: Q_T - ҳавони, ўтхонасидан олган иссиқлик миқдори, кЖ/соат

L - қиздириладиган ҳаво миқдори, кг/соат

I_0 ва I_1 - бошланғич ва иссиқлик ўтхонасидан кейинги ҳавони иссиқлик сақлами, кЖ/кг қуруқ ҳаво

(АВ) кесма шунга мос равишда иссиқлик сақлами фарқи ($I_1 - I_0$)

$$Q_T = L(I_1 - I_0) = L \cdot AB \cdot \mu_1,$$

бу ерда : μ_1 - иссиқлик сақламини ўлчам масштаби, кЖ/кг қуруқ ҳаво.мм.

Солиштирма иссиқлик сарфи (кЖ/кг қур. ҳаво) ўлчаниб, қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$q_T = \frac{Q_T}{W_{\text{буғ}}} = l(I_1 - I_0) = l \cdot AB \cdot \mu_1$$

Назарий қуритгичда иссиқлик миқдорини йўқотиш $\Delta = 0; \theta_2 = \theta_1 = 0; I_2 = I_1 = \text{const}$ га тенг. Ушбу қуритгичдаги ҳаво ҳолати жараёни ўзгаришини худда иккита кетма-кет ўзаро боғланган жараён деб фараз қилиш мумкин: иссиқлик генераторида $d = \text{const}$ таснифловчи ва қуритгич ишчи муҳитидаги намликни қиздириб, унинг иссиқликсақламини ўзгаришсиз ўтишини, д.х. $I = \text{const}$ фараз қилиш мумкин.

Қуритиш жараёнидаги $I - d$ - диаграммасини графикли қуриш учун t_0, φ_0 ва t_1, t_2 , ҳаво кўрсаткичлари маълум бўлиши керак. Уларни билган ҳолда иссиқлик генераторида ҳавони қиздириш жараёнини қуриш мумкин. АВ вертикал $d = \text{const}$ ҳолатидаги ҳавони қиздириш жараёнини тасвирлайди. Қуритиш жараёнини қуриш учун (В) нуқтадан $I_1 = I_2 = \text{const}$ чизиғи $t_2 = \text{const}$ изотерма (С) нуқта билан кесишгунча ўтказилади. ВС чизиқ қуритгичдаги қуритиш жараёнини кўрсатади.

(С) нуқта қуритишдан кейинги ҳаво ҳолатини таснифлайди ва ҳавонинг φ_2, d_2 кўрсаткичларини аниқлайди. Агар t_0, φ_0 ва t_2, t_2 кўрсаткичлари маълум бўлса, у ҳолда жараённи қуриш учун аввал (С) нуқта топилиши керак бўлади (φ_2 чизиғини t_2 изотерма билан кесишган жойда), сўнг у орқали $I = \text{const}$ чизиғи ўтказилади, (А) бошланғич нуқтасидан эса $d = \text{const}$ чизиғини (В) нуқтада кесишгунга қадар ўтказилади.

Қуритгичда 1 кг буғланган намликка ҳавонинг сарфи қуйидаги тенглама орқали ифодаланади:

$$l = \frac{1000}{d_2 - d_0},$$

у ҳолда, $I - d$ -диаграммада жараённи қурган ҳолда, d_2 ва d_0 Қуритиш жараёнини $I - d$ - диаграммада шундай тасвирланган ҳолда ABC синувчи чизиқни (С) нуқтасидан СД горизонтал АВ чизиғи билан кесишгунга қадар ўтказамиз. СД узунлик (мм да) $(d_2 - d_0)$ намлик сақлами фарқига мос келади, д.х. $d_2 - d_0 = CD$. У ҳолда назарий қуритгич учун

$$l = \frac{1000}{\mu_d CD},$$

бу ерда: μ_d -намлик сақлаш масштаби.

l қийматга эга бўлган ҳолда назарий кўрсатгичдаги ҳаво қиздирилишига сарф бўладиган иссиқлик миқдорини аниқлаш мумкин:

$$q = l(I_2 - I_0) = l(I_1 - I_0) = lAB\mu_1,$$

бу ерда: $I_1 - I_0 = AB\mu_1$,

l ўрнига унинг қийматини қўйсак қуйидагига эришамиз:

$$q = \frac{1000}{CD \cdot \mu_d} AB\mu_1 = \frac{\mu_1}{\mu_d} 1000 \frac{AB}{CD}.$$

Ҳақиқий қуритгич назарийдан q_3 материалга юкланган иссиқлик йўқотилиш, q_4 транспорт билан ва q_5 қуритгич тўсиғи билан фарқ қилади.

Ҳақиқий қуритиш жараёнини $EK = EF \frac{\mu_d}{\mu_t} \cdot \frac{\Delta}{1000} = EF \frac{\Delta}{m}$ -диаграммада қуриш бир мунча бошқачароқ кечади. Ҳавони қизитиш жараёнини қургандан сўнг B нуқта орқали $I_1 = const$ чизиғи ўтказилади (2-расм). Унда ихтиёрий равишда E нуқта танланади, у орқали $d = const$ чизиғидаги F нуқтагача кесишган жойда абцисса ўқига параллел тўғри чизик ўтказилади.


Сўнгра E нуқтадан $d = const$ чизиғи бўйлаб EK қирқим олиб қўйилади. Уни қийматини аниқлаш учун координаталар ўрнига ихтиёрий (E) I ва d нуқтани қабул қиламиз. У ҳолда ушбу нуқта орқали ўтувчи тўғри чизик тенгламасидан фойдаланган ҳолда қуйидагига эришамиз:

$$I - I_1 = \Delta \frac{d - d_0}{1000}$$

Модомики, $I - I_1 = EK\mu_t$ ва $d - d_0 = EF\mu_d$,

унда

$$EK\mu_t = EF\mu_d \frac{\Delta}{1000}$$



26-расм. $I-d$ диаграммада ҳақиқий қуритгичдаги қуриш жараёни

2- расм. Ҳақиқий қуритиш жараёнининг $I - d$ диаграммадаги тасвири

$$\text{ёки} \quad EK = EF \frac{\mu_d}{\mu_I} \cdot \frac{\Delta}{1000} = EF \frac{\Delta}{m},$$


$$\text{бу ерда} \quad m = \frac{\mu_I}{\mu_d} 1000.$$

(*B*) ва (*K*) нуқталар орқали t_2 берилган изотерма кесилмасигача тўғри чизик ўтказамиз ёки $\varphi_2 = const$ чизигига. Олинган (*C*) нуқта қуритиш жараёни охириги ҳақиқий ҳолати t_2 ва d_2 параметрларига мувофиқ бўлади. *BC* чизик қуритгичдаги ҳақиқий қуриш жараёнини кўрсатади. Ҳаво ва иссиқлик сарфи қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$l = \frac{1000}{CD\mu_d} \quad q_u = m \frac{AB}{CD}$$

Мисол: агар 2СБ-10 қуритгичдаги иссиқлик ҳисобини графоаналитик усул билан ўтказсак, у ҳолда қуруқ пахта хом ашёси бўйича иш унумдорлиги ($G_x = 8420$ кг/соат) бўлади, қуритишгача бўлган пахта хом ашёсининг бошланғич намлиги ($W_1 = 18,35$ %) ва қуритишдан кейингиси ($W_2 = 11,22$ %), пахтани қуритишгача ҳарорат ($\theta_1 = 10^0\text{C}$) ва қуритишдан кейин ($\theta_2 = 70^0\text{C}$), ташқи ҳаво кўрсаткичлари ($t_o = 8^0\text{C}$, $\varphi_o = 65$ %, $t_1 = 285^0\text{C}$ ва $t_2 = 77^0\text{C}$) бўлади.

I-d-диаграммада *A* нуқтани топамиз ($t_o = 8^0\text{C}$, ва $\varphi_o = 65$ %). (*A*) нуқта орқали (27-расм) $t_1 = 285^0\text{C} = const$ (*B*) нуқта билан кесилгунга қадар вертикални ($d = const$) юқорига ўтказамиз. *AB* чизик иссиқлик генераторидаги ҳаво қиздириш жараёнини таснифлайди. Назарий қуритгичдаги қуритиш жараёнини кўриш учун $t_2 = 77^0\text{C} = const$ изотермани (*C*) нуқта орқали кесилгунгача (*B*) нуқта орқали $I_1 = const$ чизигини ўтказамиз.



27-расм. I-d диаграммада қуриш жараёни

3-расм. I - d диаграммада қуриш жараёни

Ҳақиқий қуришда қуриш жараёнини кўриш учун $I_1 = const$ чизигида ихтиёрый равишда (E) нуқтани танлаймиз ва (F) нуқтадаги $d_0 = const$ чизиги билан кесилгунга қадар ўқларга паралел равишда у орқали тўғри чизиқни ўтказамиз. Сўнг $d = const$ чизиги бўйлаб (E) нуқтадан EK кесмани ажратиб оламиз, унинг катталиги худди $EK = EF \frac{\Delta}{m}$ дек аниқланади, I - d - диаграммада $EF = 320$ мм ва $m = \frac{\mu_t}{\mu_d} 1000$ ни топамиз. Одатда I - d - диаграммада $\mu_t = 0,419$ кЖ/кг.мм ва $\mu_d = 0,2$ г/кг мм бўлади. Шу билан бир қаторда $m = \frac{0,419}{0,2} 1000 = 2095$. Δ иссиқлик йўқолишини аниқлаш учун q_3 ни q_4, q_5 аниқлаш зарур. Буғланган намлик миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$W_{нам} = G_2 \frac{W_1 - W_2}{100 + W_1} = 8420 \frac{18,35 - 11,22}{100 + 18,35} = 507,3 \text{ кг}$$

Қуриб чиқиб кетаётган материалга сарф бўлаётган иссиқлик миқдори:

$$q_3 = \frac{G_2 c_2}{W_{нам}} (\theta_2 - \theta_1),$$

бу ерда

$$c_2 = \frac{100 c_c + W_2 c_n}{100 + W_2} = \frac{100 \cdot 1,6 + 11,22 \cdot 4,19}{100 + 11,22} = 1,86 \text{ кЖ/кг.град.}$$

у ҳолда

$$q_3 = \frac{8420 \cdot 1,86(70 - 10)}{507,3} = 1852 \text{ кЖ/кг.}$$

Қуритгич қиздирилишига сарф қилинган иссиқлик миқдори унча аҳамиятга эга эмаслиги учун $q_3=0$ деб қабул қилинади. 2СБ-10 русумли қуритиш барабанини тўсиқлари орқали йўқолаётган иссиқлик миқдори иссиқлик узатиш коэффициентини $K=3,36 \text{ кЖ/м}^2 \cdot \text{соат} \cdot \text{ОС}$ бўйича тузилган.

$$q_5 = \frac{KF}{W_{\text{нам}}} (t_{\text{уч}} - t_{\text{ташқ}}) = \frac{3,36 \cdot 160,5}{507,3} (70 - 8) = 65,9 \text{ кЖ/кг,}$$

бу ерда: F -қуритиш камераси юза майдони, м^2 ;

$t_{\text{уч}}$ -обечайкани қиздириш ҳарорати, $^{\circ}\text{С}$;

$t_{\text{ташқ}}$ -ташқи хавони ўргача ҳарорати, $^{\circ}\text{С}$.

у ҳолда $\Delta = c_n \theta_1 - (q_3 + q_4 + q_5) = 4,19 \cdot 10 - (1852 + 0 + 65,9)$.

$$\Delta = -1876,0 \text{ кЖ/кг.}$$

формулага Δ қўйган ҳолда $EK = EF \frac{\Delta}{m}$, қуйдагига эга бўламиз.

$$EK = 320 \frac{-1876,0}{2095} = -286,5 \text{ мм}$$

(К) ва(Б) нуқталар орқали $t_2=77^{\circ}\text{С}$ изотерма кесмасигача ўтган тўғри чизик ҳақиқий қуритгичда BC чизиги кўринишида ҳаво ҳолати жараёнини ўзгаришини тасвирлайди.

$CD = 234$ мм қирқимни ўлчаш қуруқ ҳаво сизими сарфини кўрсатади.

$$l = \frac{1000}{CD \mu_d} = \frac{1000}{234 \cdot 0,2} = 21,37 \text{ кг/кг.}$$

Қуруқ ҳавонинг умумий сарфи $L = l \cdot W_{\text{нам}} = 21,37 \cdot 507,3 = 10841,0 \text{ кг/соат.}$

у ҳолда нам ҳаво сарфи

$$V = L \cdot \rho_{\text{кел}} = 10841,0 \cdot 0,82 = 8889,6 \text{ м}^3/\text{соат.}$$

$\rho_{\text{кел}} = 0,82 \text{ м}^3/\text{кг}$ қийматини $t_o=8^{\circ}\text{С}$, $\varphi_o = 65 \%$ бўйича (3-иловадан) топамиз.

Қирқим ўзгариши $AB = 670$ мм қуритгичдаги солиштирма (q) ва иссиқлик (Q)ни умумий сарфини таснифлайди:

$$q_u = m \frac{AB}{CD} = 2095 \frac{670}{234} = 5998,5 \approx 6000 \text{ кЖ/кг,}$$

